БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 195 (17.477). • 25 август 1979 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти

Ўртоқ Густав ГУСАКка

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси

Ўртоқ Любомир ШТРОУГАЛга

Азиз ўртоқлар!

Словакия миллий қўзғолонининг 35 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи номидан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетини, ЧССР ҳукуматини, қардош чехословак халқини ва шахсан сизларни самимий табриклаймиз.

Словакия миллий қўзғолони ўтган уруш йилларида Европа халқларининг фашизмга қарши курашидаги энг ёрқин воқеаларнинг бири бўлиб, турли миллат кишилари жанговар интернационал бирдамлигининг завқ-шавқ бахш этувчи тимсолидир. Бу ерда, Словакияда совет кишилари ҳам ўзларининг чех ва словак қардошлари билан биргаликда жанг қилдилар. Совет Армияси қўзғолончиларга ёрдам бериш учун душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, бу ерга келди. 1-чехословак армия корпусининг жангчилари ҳам шу армия составида жанг қилдилар. Фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг бузилмас дўстлиги чиниқди.

Словакия миллий қўзғолони чехлар ва словакларнинг тарихий тақдири учун буюк аҳамиятга эгадир. Коммунистлар бу қўзғолоннинг жон-тани бўлган эдилар. Бу қўзғолон ягона, чинакам Халқ Демократик Чехословакияси учун курашнинг рамзи бўлиб қолди. У миллий-демократик революцияни бошлаб берди. Бу революция 1948 йилнинг февралида қозонилган ғалаба билан тугалланди.

ЧССР меҳнаткашлари ўша пайтдан бери ўтган йиллар мобайнида ўзларининг Коммунистик партияси раҳбарлигида социализм қурилишида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Чехословакия халқаро майдонда таъсирчан, нуфузли куч бўлиб иш кўрмоқда. Совет кишилари Словакия миллий қўзғолонининг шонли йиллигида чехословак халқини табриклаб, СССР билан ЧССР ўртасидаги қардошлик ва дўстлик муносабатлари халқларимизнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг бахт-саодати йўлида, социализм ва коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам доим мустаҳкамланиб, ривожланаверади деб қатъий ишонч билдирадилар.

Азиз ўртоқлар, ЧКП XV съезднинг қарорларини амалга оширишда, мамлакатингизда ривожланган социалистик жамият қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилаб йўллаган самимий истакларимизни қабул қилғайсиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг Коммунистик партиялари, СССР ва ЧССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас иттифоқи!

Л. БРЕЖНЕВ А. КОСИГИН

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ҲАР ТАРАФЛАМА ПУХТА ҲОЗИРЛАНАЙЛИК!

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҚАРОРГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР

ЖАСОРАТ КЎРСАТАМИЗ

Ҳурматли ҳамкасб дўстим!

Совхозимиз пахтакорлари бу йил 6100 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 31 ўрнига 35 центнердан ҳосил олишга астойдил бел боғлашган. Йил бошида имзоланган мусобақа шартларига кўра, бу йил она-Ватанга 21 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз.

Хўжалигимизда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу деҳқон ва механизатор, ҳар бир дала ишчиси, мутахассисларимиз — барча-барчамизнинг шарафли меҳнатимиз меваси-дир. Йўлчи Шамшиев, Маъмур Шерқўзиев, Аҳмад Исматуллаев, Янгибой Мўминов ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлим коллективлари 40 центнерлик хирмон учун кураш олиб бормоқдалар. Хўжалигимизда 45—50 центнерчи бригадалар кўпайиб бормоқда. Мукаррам Умархўжаева, Йўлдош Маллаев, Ўммат Бобоев, Сайдамет Абкеримов каби машъал бригада бошлиқлари ўнтага етиб қолди.

Совхозимиз механизаторлари бу йил йиғим-терим мавсумида жасорат кўрсатишга азму қарор қилишган. Биз етиштирилган ялпи ҳосилнинг 90 процентини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз. Хўжалигимизда 168 та пахта териш машинаси бор. Мавсум бошлангунча улар сони 200 тага етказилади. Шунингдек, 40 та кўрак териш, 45 та кўрак тозалаш, 43 та транспорт тракторн ва 300 та тележкамиз бор. Ўнинчи августгача йиғим-теримда ишлатиладиган барча машина ва механизмларни ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйдик. Бу йилги масъулиятли кампанияда ҳар бир терим машинаси билан 120—130 тоннадан ҳосилни йиғиштириб оламиз. Йиғим-теримни ипатоволиклар усулида икки сменада ташкил этамиз.

Совхозимизда 370 нафар механизатор бор. Эрта-индин сафимизга яна 60 нафар йигит-қиз қўшилади. Натижада, механизаторларимиз оиласи кенгайи ва мустаҳкамланади. Йиғим-терим сифатига катта эътибор берамиз. Терилган ҳосил бункердан тележкага ва ундан тўғри заводга етказилади. «Оқ олтин»имизнинг ерга тўкилишига, исроф бўлишига асло йўл қўймаймиз. Бунинг учун тажрибали механизаторлар ёшларни оталиққа оладилар, уларга мураббийлик қиладилар. Совхозимизнинг Қўчқор Жуманов, Дилора Абибуллаев Азиз Зайтуллаев каби ўнлаб донгдор механизаторлари бор. Улар ўтган йили 200—250 тоннадан пахта терган эдилар. Бу йил эса янада юксак марраларни кўзламоқдалар. Айни пайтда ёшларга оталик ёрдами кўрсатишни ўз зиммаларига олмоқдалар. Қисқа қилиб айтганда, совхозимизда машина теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Энди икки оғиз ўз режаларим тўғрисида. Бу йил бригадамиз бўйича пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказамиз. Ана шу юксак мажбуриятни қоплайдиган ҳосил яратилмоқда. Шахсан менинг ўзим эса 400 тонна «оқ олтин»ни машина бункеридан тўкишга аҳд қилдим. Юксак маррани шараф билан эгаллаш учун бор кучим, маҳоратимни ишга солишга тайёрман. Хўш, азиз ҳамкасбим, сиз бунга нима дейсиз?

Абдусамат САИДМУРОДОВ,
Боёвут районидаги «Боёвут» совхоз-техникуми механизатори, СССР Давлат мукофоти лауреати.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Ҳурматли Абдусамат ака!

Бу йилнинг масъулияти ҳамда мусобақа ҳақидаги фикрингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Совхозимиз деҳқонлари ва механизаторларининг бу йилги режалари ҳар қачонгидан ҳам юксак. Биз 4500 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 31 ўрнига 40 центнердан ҳосил оламиз, она-Ватанга 16 минг тонна пахта етказиб берамиз. Хўжалигимиз тарихида бундай кўрсаткичга биринчи марта эришилади. Экинларимизни шу кунга қадар 7 марта культивация қилдик, уч марта озиқлантирдик, ҳозир эса иккинчи сувга қондирмоқдамиз. Ривожланишдан орқада қолаётган 400 гектар ердаги экинга «шарбат» оқизилмоқда. Умуман, бу йил экинларимизга 30 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит бердик. Натижада, дуккун, серҳосил бўлиб ривожланмоқда. Ҳар гуп ғўзада ўрта ҳисобда 14-15 тадан ҳосил шохи, 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор. Айни кунларда экинларнинг янада кўпроқ ҳосил тўплаши, эрта етилиши ва машинабоп бўлиши учун барча чоралар кўрилмоқда. Айниқса, бегона ўтга қарши кураш яхши йўлга қўйилди.

Пайтдан фойдаланиб мен ҳам юқори ҳосилли бўлим ва бригада бошлиқларининг номларини тилга олиб ўтаман. Ўнинчи беш йилликнинг масъулияти йилида Холбўта Бўронов, Рустам Ибрагимов, Раимжон Мўминов, Очил Жўраев ўртоқлар бош бўлган бўлимлар деҳқонлари 45 центнерлик маррани кўзлашган. 25 та бригада эса 45-50 центнерлик хирмон учун кураш олиб бормоқда. Ризо Эмирсуюнов, Маъмурқул Эшонқулов, Наримон Гаффоров, Анвар Дўсиев, Саттор Болтаев каби уста деҳқонлар бош бўлган бригадаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу йил совхозимизнинг «пўлат от» суворийлари ғайрат кўрсатишлари керак. Негаки, ялпи ҳосилнинг 90 процента техника ёрдамида йиғиштириб олинади. Ҳозир хўжалигимиздаги ҳар бир механизатор, ҳар бир ремонтчи ва мутахассис ана шу мақсад йўлида йиғим-терим мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. 104 та терим машинамиз бор. Улардан унумли фойдаланамиз ва ҳар бир машина билан 140—150 тоннадан пахта териб оламиз. Ҳозиргача барча пахта териш машиналари, 23 та подборщик, 28 та кўрак териш, 26 та кўсак тозалаш машинаси, 42 та транспорт трактори, 250 та тележка ремонтдан чиқариб қўйилди. Совхозимизда 378 нафар механизатор бор. Шулардан 250 нафари терим агрегати штурвалига ўтиради. Мажбуриятларни бажариш — ҳаммамизнинг шон-шараф ишимиздир.

Мард майдонда синалади, дейди халкимиз. Биз ҳам белни маҳкам боғлаб майдонга чиқмоқдамиз. Бригадамиз совхознинг 2-бўлимига жойлашган, унга Абдуғаффор Хидиров раҳбарлик қилади. Максадимиз — ҳосилдорликни 50 центнерданга етказиш. Менинг ўзим тўққиз йилдан бери машинада пахта тераман, сизнинг изингизлан бориб, «Ўзбекистон» терим машинаси бункеридан 400 тонна «оқ олтин» тўкаман. Бу қарорим қатъийдир.

М. МАМАТМУСАЕВ,
Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз механизатори.

МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

◆ БИЗ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ҲОЗИРЛИК КЎРИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ АСОСИДА ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ, ТЕЛЕЖКАЛАР, ПРИЦЕПЛАР, КЎСАК УЗИШ, ЧУВИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ТЎКИЛГАН ПАХТАНИ ТЕРАДИГАН АГРЕГАТЛАРНИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИБ, МАВСУМГА ШАЙЛАБ ҚЎЙДИК. СИЗ-ЧИ!

◆ МЕХАНИЗАТОРЛАРИМИЗ МАВСУМДА 150—200—400 ТОННАДАН ПАХТА ТЕРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР. СИЗЛАР ҲАМ МАЖБУРИЯТЛАР ОЛДИНГИЗМИ?

◆ БИЗ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ ИККИ СМЕНАДА ТЎХТОВСИЗ ИШЛАТАМИЗ, МЕХАНИЗАТОРЛАР САФИНИ КОМПЛЕКТЛАБ ОЛДИК. СИЗЛАР ҲАМ ШУНДАЙ ҚИЛДИНГИЗМИ!

Чўлқувар Эгамберди Ботировнинг номини Ильич районидаги «Правда» совхозида ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У бу ҳурматга пахта ҳосилдорлигини оширишда эришган ютуқлари, ажойиб шогирдлар тайёрлаганлиги туфайли сазовор бўлган. Унинг нўплаб шогирдлари ҳозир пахта усталари бўлиб етишган. Суратда: Э. Ботиров ўз шогирди — 8-бўлим бошқарувчиси Илёс Абдурасулов билан гўзани нўздан кечирляпти.

Ж. Тўраев фотоси.

ТЕРИНГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлаша ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорига пахтакорлар шундай деб жавоб бермоқдалар.

АМАЛИЙ ЖАВОБИМИЗ

Республика партия ва ҳукуматининг қарорини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик, унда белгиланган вазифаларни тўла маъқуллаймиз. 1979 йилни пахта етиштиришни кўпайтириш, теримни қисқа фурсатда ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда рекорд йилга айлантирамиз.

Колхозимиз аъзолари кенг майдонларнинг ҳар гектаридан 54,7 центнердан «оқ олтин» хирмонч кўтаришга сўз берганлар. Ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам ҳалол меҳнат билан юқори ҳосил етиштирамиз, ваъдага вафо қиламиз. Ҳозир ҳар туп ғўзада 7—8 тадан тўқ кўсак бунёдга келтирдик. Лекин бу талабга жавоб бермайди. Кўсаклар сонини кўпайтириш, уни тезроқ очилтириб олиш учун парваришни сентябрь ойининг биринчи ярмида ҳам қизғин давом эттирамиз.

Бизнинг бригадамиз гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштиради. Ҳар туп ғўзада 10—12 та кўсак бор. Ялпи ҳосилнинг камида 90 процентини машиналарда терамиз. Бригадамизга бириктирилган механик-ҳайдовчилар «Зангори кема»ларини ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйдилар. Чеканкани сифатли ўтказдик. Шу кунларда культивация, чопиқни қизитиб, бегона ўтларни бутунлай йўқотяпмиз.

Қарорда айрим жойларда камҳосилли ғўзалар борлиги, ўсимликни қўллатиб ва чўллатиб суғоришга йўл қўйилаётгани айтилган. Бизда ҳам шундай камчиликлар бор эди, эндиликда табақалаб парвариш ўтказиш йўли билан бу камчиликни тугатдик.

С. РОМАНОВ,
Беруний районидаги Навоий номли колхоз бригадири.

БУРЧИМИЗГА СОДИҚМИЗ

Республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 5 миллион 700 минг тонна пахта етказиб бериш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Қува райони меҳнаткашлари ҳам 60 минг тоннаник «оқ олтин» маррасини эгаллаш учун курашмоқдалар. Ана шундай қизғин кунларда республика партия ва ҳукуматининг ғўза парваришини сифатсизлигаган ҳолда пахта йиғим-теримига тайёргарликни авж оллириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Бу қарор бояқлиқ пахтамизни охирги граммларигача йиғиб-териб олиш, юксак социалистик мажбуриятимизни бажаргунча жанговар программадир.

Колхозимиз 2050 гектар майдонда ғўза ўстирипти. 8000 тонна пахта тайёрлайди. Бизнинг бригадамиз аъзолари 50 центнерлик ҳосил учун кунларни тунларга улаб меҳнат қилмоқдалар. Турдихўжа Турсунов, Исмонали Рўзиматов, Исмоил Собиров, Қодир Ҳакимовлар бош бўлган бригадаларда ҳам юқори ҳосил тўпланмоқда. Қарорда ҳар бир бригада, колхоз, совхозда ғўзаларнинг ривожланиш ҳолатини яна бир карра синчиклаб кўздан кечириб, кам ҳосилли ғўзаларни юқори ҳосилли ғўзаларга даражасига етказиб олиш зарурлиги уқтирилган. Биз шундай қиляпмиз. Ўсиш, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларга қўшимча ишлов бериш билан бегона ўтларни бутунлай йўқотяпмиз.

Пахтакорлик бурчимизга содиқмиз, гектаридан камида 50 центнердан ҳосил олиб, социалистик мажбуриятимизни бажарамиз.

Исоқжон ҚАМБАРОВ,
Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЕРГА ҚАЙТИШ ТАКТИКАСИ

БОЙҚЎНГИР. (ТАСС махсус мухбири Н. Железнов). Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин вазнсизлик шароитидан Ернинг тортиш кучига қайтишлари жиддий қийинчиликсиз ўтмоғи учун 350 соат жисмоний машқ қилдилар. Ҳар куни велоэргометр билан югуриш йўлкасида 2 соат қилинадиган машқ юрак қон-томир системаси учун яхши тренировка бўлди.

Космик стадион космонавтларни ортиқча тош йўқотишдан ҳалос қилди. Бу нарса асосан оёқ мушаклари ҳажмининг қисқариши ҳисобига рўй берарди. Врачлар биринчи кунлиқ журналларига: болдир ҳажми учишдан аввалги нормада, тизза ҳажми бир озгина камайган, деб мамнуният билан ёзиб қўйдилар.

Оёқ мушаклари қониқарли аҳволда бўлганлиги сабабидан врачлар космонавтларнинг Ердаги ҳаётининг тўртинчи куни графигига биринчи жисмоний иш — космонавтлар хиёбонида дарахт кўчати ўтқазишни киритишларига имкон берди.

Космодром иссиқ. Тушда термометр 30 градусдан пастга тушмайди. Космонавтлар енгил тренировка костюмларида ишладилар. Уларни кузатиб турган врачлар учишдан кейинги дастлабки кунларга хос характ қовушмаслиги тамомила йўқолганлигини кўрдилар.

Медиклар биринчи ҳафтага тузган прогнозлар билан танишиб, космонавтлар Ернинг тортиш кучига икки-уч кун барвақт кўникаётганликларини билдик. Бу ерда космонавтларни тайёрлаш маркази мутахассислари отряди билан медицина биологик проблемалар институти номидан иш кўрувчи учиш медицина программасининг раҳбарлари Анатолий Берегозкин билан Анатолий Егоров экипажнинг вазнсизлик ҳолатидан яхши чиққанликларини шарҳлаб бундай дедилар:

— Космонавтларнинг биринчи реадаптация даври, яъни улар организмининг Ердаги нормаларга қайтиш вазифаси уч қисмдан иборат, — дейди А. Береговкин. — Энг муҳими космонавтлар организмининг ишлаш тўла манзарасини (шу жумладан, биохимик манзарасини) олиш, индивидуал физиологик ва психологик хусусиятлари унга қандай таъсир кўрсатишини англашдир. Сўнгра учиш давомати узайтирилиши билан профилактик воситаларнинг роли — стартдан олдинги тайёргарлик ва орбитадаги иш чоғида қилинган жисмоний машқларни ўз ичига олувчи бутун комплекснинг роли ошиш-ошмаслиги бизни қизиқтиради. Медиклар шу ишлар билан бир вақтда эртанги кун вазифаларини ҳам белгилаб олмоқдалар.

Космонавтларга учиш давомини узайтириш мумкинми, деб савол бериб, улардан ижобий жавоб олдик. Эндиги вазифа текшириш объектив маълумотлари асосида мана шу ишни илмий жиҳатдан асослашдан иборатдир.

— Тарихда энг узоқ космик рейс медицина программасининг дастлабки якунлари яхши чиқаётганлигига қарамай, — дейди А. Егоров, — медиклар олдида турган масалалар оз эмас. Маълумки, космонавтлар ярим йил ичида бирон марта бўлсин нотоб бўлмадилар. Ердаги шароитларда эса ҳеч бўлмаганда енгил тумов бўлмай ярим йил яшайдиган одам кам топилса керак.

Ниҳоят, орбитадаги спорт майдони тўғрисида. У космонавтларни Ерга қайтаришга тайёрлаш медицина тактикасида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шу майдон бошқатдан тузилишга муҳтож. Ҳозир космосда қўлланаётган спорт асбоблари нақадар такомиллашган ва қулай бўлмасин, улар бир зайлдаги ҳаракатлари билан кишини бирмунча чарчатади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, масалан, эшкак эшиш станогидаги машқлар эмоционал таъсирини Москва дарёсида қайиқда сайр қилиш билан таққослаб бўладими? Вақти келиб велоэргометрни ҳақиқий трек велосипедига айлантириш ва кенг цилиндр ичида айланиб учиш мумкин бўлар. Шундай қилиб, қўшимча кўнгил очиш омилидан ташқари, космонавт организмига озгина бўлса-да космосда зарур гравитация ҳодисасини вақтинча бўлса-да таъсир эттириб туриш мумкин бўлар.

Медиклар билан олиб бораётган суҳбатимизни занг овозлари узди. «Протонлар» дастурҳонга ошиқдилар. Шундай қилиб, улар Ерда учинчи марта тушлик қиляптилар.

ШИМОЛИЙ ДАЛАЛАРНИНГ „ОҚ ОЛТИН"И

Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Ленин ордени кавалери Тўхта Екубова бригадасининг далаларида мўл пахта ҳосили етилмоқда. Бу ерда ҳар бир туп ғўзада 10—12 тадан кўсак бор.

Об-ҳаво ноқулай келганлигига қарамай, бригада чигитни қайта экмай, ғўзаларнинг ҳаммасини асраб қолишга муваффақ бўлди. Пахтакорлар кўкламги ёмғирдан кейин тупроқни чуқур юмшатиб, органик ўғит сопа бошладилар. Сўнгра далаларда қўшимча культивация ўтказиб, бир неча марта суғордилар.

Эндиликда бу ерда шимолий пахтачилик зонасида «оқ олтин» ҳосили олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ГУЛИСТОН, 24 август. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сирдарё область Советининг бу ерда бўлиб ўтган сессиясида ирригация-мелиорация ишларини кучайтириш ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни жадаллаштириш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Область ижроия комитетининг раиси И. Қўчқоров доклад қилди.

Сессия СССР Олий Совети Президиумининг «Халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлари янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида»ги қарорини бажариш соҳасида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парвариш ва тараддуд

Совхозимиз пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Қарорда дилимиздаги гаплар айтилибди. Биз бу фикрга тўла қўшиламиз. Ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда пахта теримига пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Чиндан ҳам 1979 йил биз учун катта синов йилидир. Табиат инжиқликларини меҳнат ва фақат меҳнат билан енгмоқдамиз. Мана энди марлона меҳнатимиз самараси кўзга кўриниб қолди. 1070 гектар ердаги ғўзаларни парваришлаб серҳосил қилиб ўстиряпмиз. Нисбатан ривожланишдан орқада қолган ғўзаларимиз ҳам бор. Уларни меҳр билан парваришлаб, юқори ҳосилли ғўзалар даражасига етказиш учун астойдил курашяпмиз. Ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунга қадар қизғин давом эттирсак ҳамма майдонларда мажбуриятни қоплайдиган миқдорда ҳосил етиштиришимиз мумкин.

Барча чопиқ тракторларига тўсиқлар ўрнатиб ишлатяпмиз. Ҳар бир механизатор культивация сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Суғоришни ҳам меъёрида ўтказяпмиз. Асосий майдонларда чеканкани тугаллаганмиз. Абдулбоқи Мукимов бригадасида ғўза парвариши, айниқса, сифатли ўтказилмоқда. Бу илғор бригада аъзолари 73 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олишни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйган. Мажид Мирзаев, Турғунбой Нурматов бошлиқ бригадалар 50 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилдилар.

Гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга сўз берган хўжалигимиз пахтакорлари республикамиз партия-ҳукуматининг қарорини ўқиб чиққач, ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда пахта теримига пухта тайёргарлик кўришга аҳд қилдилар. Терим агрегатларини, кўсак узадиган кўсак чувийдиган ва бошқа механизмларнинг ремонтини барвақт тугаллаш чораларини кўряпмиз. Қоп-қанорлар, этаклар, тош-ғаровиларни тахт қилиб қўйдик.

Колхоз правлениеси ва партия комитети пахта йиғим-терими даврида теримчилар, механик-ҳайдовчилар, транспортчилар орасида социалистик мусобақани бутун чоралар билан кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқди. Колхозимиз пахтакорлари республика партия-ҳукуматининг қарорини ўзлари учун жанговар программа деб қабул қилдилар ва ишни шу қарор асосида ташкил этмоқдалар.

М. СОЛИЕВ.
Андижон область. Ленин районидаги «Коммунизм» колхози раиси.

ДЎСТЛАР КЎРГАЗМАСИ

24 август куни Тошкентдаги Санъат саройида очилган кўргазма «Польша — дўстлар мамлакати, туризм мамлакати» деб аталади. Польшадаги «Орбис» туристик ташкилоти уюштирган бу кўргазма қардош давлатнинг ҳаёти тўғрисида, Польшага борган чоғда марокли саёҳатлар қилиш учун зарур бўлган маршрутлар ҳақида ҳикоя қилади.

Польшанинг туризм ташкилотчилари Тошкентга ўз мамлакати, унинг пойтахти тўғрисида ҳикоя қилувчи кинофильм олиб келишган.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Сурхондарё область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан саккиз ойлик планни муддатидан илгари — 21 август куни бажардилар. Планга қўшимча равишда 8 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

* * *

Андижон область саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулот реализация қилиш саккиз ойлик планини 23 август куни бажардилар.

Август ойининг қолган кунлари ичида қўшимча равишда қариб 14 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН

«Ташсельмаш» заводининг цехларида ҳозир энг долзарб кунлар бошланди деса бўлади. Чунки эрта-индин пахта тернига киришилади. Бу кампания қишлоқ меҳнатчилари учунгина эмас, қишлоқ техникаси бунёдкорлари учун ҳам ўзига хос имтиҳон бўлади. Даладаги муваффақият терим бошлангунча қанча ва қандай сифатдаги пахта териш машиналари ҳамда запас қисмлар ишлаб чиқарилишига боғлиқ.

Йигув цехи дарвозасидан кун сайин янги бўёқ ҳиди анқиб турган ўнлаб зангори кемалар чиқади. Уларни ишлаб чиқариш ой сайин кўпаймоқда. Агар ўтган йили завод 8.800 та машина ишлаб чиқарган бўлса, бу йил 9.500 та машина беришги керак. Бу нақадар тиғиз топшириқ бўлмасин, коллектив ҳозирнинг ўзидаёқ қўшимча равишда олтита маркада ўттизтадан кўпроқ комбайнни тайёрлаб қўйди, улардан иккитасига — Сифат белгиси қўйилади. Қишлоқ меҳнаткашларига пландан ташқари анча-мунча запас қисмлар ҳам жўнатилди. Бунинг маъноси шуки, терим арафасида минглаб машиналар шай ҳолатга келтирилади.

«Ташсельмаш» ишининг маромини ягона муқобил график белгилаб беради. Бу ердагилар мазкур графикни темир қонун деб атайдилар. Кун чошгоҳга борганида цехлар ва бўлимларнинг раҳбарлари столига босмахонада тайёрланган бланкалар қўйилади. Унда йил охиригача заводнинг план маррасига чиқиб олиши учун ҳар бир бўлимга қанча ва қандай деталлар, узеллар, машина комплектларини тайёрлаб бериши лозимлиги сменама-смена ёзиб қўйилган бўлади.

Муқобил график смена топшириқларини бажариш учун социалистик мусобақа таъсирчанлигини кўтариш имконини берди. Энди ҳар бир ишчи, бригада ёки участканинг ҳиссаси уларнинг қанча норма ишлаганига қараб эмас, балки илгари белгиланган иш ҳажмини қанча процент бажарганига қараб баҳоланади.

Шу ҳужжатга бир назар ташлашнинг ўзидаёқ заводнинг меҳнат нафаси сезилиб туради. Тўғри, йил бошидан бери цехларнинг ишини бирлаштирувчи кўрсаткичлар чизиғи ҳамиша ҳам бир текис бўлгани йўқ. Кимлардир илгарилаб кетди, кимлардир орқада қолди. Ҳозир бу чизиқ тобора тик кўтарилиб бормоқда. Сельмашчилар илгорларга қараб ўз сафларини текислаб олмоқдалар.

Заводнинг бош конвейерида иш қизигандан қизимоқда. Аммо пахта териш машиналарининг ишчи аппаратлари бўлмиш барабанларни йигувчи турдош касб эгаларига офарин айтмоқ керак.

Кичик конвейер ёнида турган кишиларнинг маҳорати ва уюшқоқлиги кўпинча бутун цехнинг муваффақиятини таъминлаб бермоқда, бошқа бригада ва участкаларига аниқ маромда ишлашга даъват этмоқда. Бу ерда ўн йиллик бошланган пайтда пировард натижаларга қараб ҳақ тўлашдан иборат бригада методи асосида ишлаш ташаббуси юзага келган эди.

— Қирқ кишини — тажрибали слесарларни ҳам, янги келган ёшларни ҳам битта коллективга тўплаш, сўнгра уларни умумий бир наряд билан ишлашга кўндириш унчалик осон иш бўлмади, — дейди янгиликка биринчилар қатори йўл очган бригада аъзоси коммунист Муҳамадали Қўшоқов. — Ўшанда бизнинг участкамиз заводдаги «танг» жой ҳисобланар, уни кўрсаткичлари паст бўлганлиги учун танқид қилишар эди, ҳолбуки, биз уч смена бўлиб меҳнат қилардик. Одамлар жигибийрон бўлишарди. Ҳар бир киши ўз технология операцияси учунгина жавобгар эди. Ниҳоят, энди бундай ишлаб бўлмайди, деган қарорга келинди.

Корхона раҳбарлари ва партия комитети илғорларнинг ташаббусини тўғри баҳоладилар. Конструкторларни, технологларни, экономистларни ҳам бу янги ишга қарашиб юборишга чақирдилар, йигувчилар билан комплектлаш деталларини етказиб берувчи цехларнинг алоқасини мустаҳкамладилар. Турдош операцияларни ўзлаштиришни йўлга қўйишга ёрдам бердилар.

Коллектив ветеранларидан М. Қўшоқов, П. Полетаев ва бригадир В. Назарденинг ўзи ёшларга тарбия ва таълим бериш учун нақадар зўр сабр-матонат, чинакам педагогликка хос омилкорлик кўрсатдилар. Маъмурият пайқаб қолса ўспиринни жазолаши ёки ҳатто ишдан бўшатиб юбориши мумкин бўлган ножўя ишлар ҳам содир бўлар эди.

— Шундай пайтларда отахон ишчилар бизнинг ҳузуримизга келиб, бу иш учун жазоламасликни илтимос қилишарди — деб эслайди партком секретари С. Тожиев. — Биз уларнинг раъйига қараб иш тутдик ва бу мураббийлардан кўнглимиз тўқ бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бригада аста-секин бўлса ҳам, аммо дадил юқори кўтарила борган аниқ босқичлар ана шулардан иборат. Илгари бригада бир кунда ўн тўртта аппаратни йигишга улгурарди. Ҳозир у ўттиз тўрттасини бемалол йиғиб бермоқда. Меҳнат интизомини бузишга барҳам берилган. Бригада тўғрисида «Табассум қандай туғилади» деган ҳужжатли фильм суратга олинган. Дарҳақиқат, иш юришиб бораверса, одамларга ижобий мамнуният бахш этса, уларнинг кайфияти ҳам, албатта, яхши бўлар экан. Бултур социалистик мусобақа якунларига кўра, коллектив трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигида энг яхши коллективлардан бири деб танилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

«Ташсельмаш» заводида фойдали ташаббусга юзлаб кишилар эргашди, илғорлар эса янги чўққиларни забт этишни кўзламоқдалар. Василий Назадзе шу ҳақдаги ўз фикрларини баён этиб бундай дейди:

— Биз йириклаштирилган бригадалардан комплекс бригадаларга ўтишни ўйлаб турибмиз. Ердамчи ишчилар — ремонтчи слесарлар, электрикларнинг ва ҳатто кранчилар биз билан битта наряд асосида ишлайдиган бўлсалар, уларнинг умумий муваффақиятдан манфаатдорлиги ортиши шубҳасиз. Улар янада кўпроқ самара билан меҳнат қила бошлайдилар. **Ю. МЕДВЕДЕВ.**

(«Правда» махсус мухбири).

Тошкент шаҳри.

(«ПРАВДА» газетасининг 22 август сонидан).

ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ

Совет Иттифоқида Ҳиндистон мустақиллигининг 32 йиллигига ва СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 8 йиллигига бағишланган Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги давом этмоқда.

Москва, Кишинев, Ленинград, Тошкент, Минск, Ашхобод, Одессада ва бошқа шаҳарларда дўстлик йиғилишлари, митинг ва кечалари ўтказилмоқда. Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг коллектив аъзолари бўлган корхона ва муассасаларнинг маданият саройлари ҳамда уйларида кўргазмалар очилди. Бу кўргазмалар икки давлатнинг дўстлиги ва самарали ҳамкорлигини, қадимий Ҳиндистоннинг маданиятини ва унинг ҳозирги ҳаётини тасвирлайди. Ҳиндистон кинематографчиларининг асарлари совет кишиларини дўст халқнинг ҳаёти билан таништиради.

Ойликда Махаштра штати қонун чиқарувчи мажлисининг спикери Ш. Р. Пател бошчилигидаги Ҳиндистон — Совет маданият жамиятининг делегацияси, Ҳиндистондаги бир қанча штатларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. **(ТАСС).**

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

23 август куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун партия Марказий Комитетининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисидаги қарорига ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари ҳузурида СССР Госплани раисининг ўринбосари А. В. Бачурин нутқ сўзлади. **(ТАСС мухбири).**

Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикаси коллективи ишлаб чиқариш илғори, газламаларга гул босувчи Рауф Собиров номини ҳурмат билан тилга олади. Ҳар куни 20 минг метр ранг-баранг газламалар унинг қўлидан ўтади.

Суратда: кунлик топшириқларини 115 процентга етказиб ado этаётган пешқадам ишчи Рауф Собиров.

И. Глауберзон фотоси.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Кўп минг кишилик Тошкент политехника институтининг профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар коллективи КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашиб, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда илмий муассасаларига ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган инженер кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда фан ва техника тараққиёти суръатларини янада жадаллаштириш ишларига ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар.

Институтимизда ўқитиш жараёни кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича 30 факультетда олиб борилади. Бу факультетлар 170 дан ортиқ кафедрани, иккита проблема ва тўртта тармоқ илмий лабораторияларини бирлаштириб турибди. Малакали инженер ходимлар тайёрлашга камарбаста 2400 дан ортиқ профессор ва ўқитувчилар 34 мингдан зиёд студентга ҳозирги замон фан ва техникаси сирларини ўргатмоқдалар.

Бизнинг институт коллективи инженер-физик, электрик, кимёгар-технологлар, машинасозлик, автоматика ва телемеханика, ахборотназорат ўлчов техникаси, саноат, граждан ва қишлоқ қурилиши инженерлари каби 68 ихтисос бўйича ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина 16 мингдан ортиқ малакали мутахасис тайёрлади. Институт ташкил топганидан буён эса халқ хўжалигининг барча тармоқларига, шу жумладан қишлоқ хўжалигига 70 мингга яқин инженер етказиб берилди. Шу илм даргоҳидан етишиб чиққан мутахассислар орасида 8 та Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 13 та Ленин мукофоти ва 28 та СССР Давлат мукофоти лауреатлари, республикалар Фанлар академияларининг 22 та ҳақиқий ва мухбир аъзолари бор. Собиқ талабаларимиз бепоён мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш корхоналарида, шаҳар ва қишлоқ қурилишларида, конструкторлик бюролари ва илмий лабораторияларда меҳнат қилиб, халқ хўжалигининг янада равнақ топишига, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, раҳбар органларда юксак ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатиб, баракали меҳнат қилмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига амал қилган ҳолда институт ректорати, факультетлар илмий совети, партия комитети ва касаба союз ташкилоти профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда илмий ишларни ташкил этиш, уларни тематик жиҳатдан мукаммаллаштириш, йирик ва истиқболли темаларни планлаштириш ҳамда илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби муҳим масалаларга катта аҳамият бермоқда. Асосий диққат ва эътибор ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзуларни планлаштириш ва уни ўз вақтида бажаришга, илмий ишлар тематикасини йириклаштиришга қаратилган. Бу борада институтимизда ташкил этилган факультетлараро илмий-техника комиссияси иши айниқса ибратлидир. Комиссиянинг асосий вазифаси илмий-тадқиқотлар ҳажмини ошириш, структурасини яхшилаш, проблема ва тармоқ янги лабораторияларини ташкил қилиш, коллективлараро социалистик ҳамдўстлик шартномалари тузишдан иборат. Комиссиянинг ҳаракати билан шу йилнинг ўзидагина иккита янги тармоқ илмий лабораторияси ташкил этилди.

Олиб борилаётган илмий ишлар ҳажми ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти бўйича Тошкент политехника институти республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиё бўйича ҳам катта илмий марказга айланди. Институтимиз бўйича 45 илмий мавзу республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш плани, СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг координацион плани ва тармоқ министрликларининг мувофиқлаштирилган планлари асосида олиб борилмоқда. Хўжалик шартномаси бўйича олиб бориладиган аниқ илмий ишлар ҳажми ҳам кенгаймоқда.

Кафедра ва илмий лабораторияларимизда ҳар йили юзга яқин илмий изланиш ниҳоясига етказилиб, ишлаб чиқариш ёки ўқиш жараёнига татбиқ этиш учун йўлланма олади. Масалан, ўтган йили 83 та илмий мавзу тугалланди. Шулардан 72 таси корхона, илмий муассаса ва конструкторлик бюроларининг буюртмалари бўйича хўжалик шартномаси асосида бажарилди, қолганлари эса монографик материаллардир. Бу ишларнинг халқ хўжалигига қандай фойда келтираётганлигини билиш учун ишлаб чиқаришга татбиқ этилган 49 илмий мавзунинг ўзи йилига олти миллион 169 минг сўм иқтисодий самара бериши мумкинлигини айтиш кифоя.

Шу ўринда профессор ва ўқитувчиларимиз томонидан ишлаб чиқариш корхоналари талаби асосида бажарилган илмий ишлардан баъзиларини мисол сифатида келтириш мумкин. Коллоид кимё кафедраси ходимлари «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмаси асосида КО-1 препарати олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу препарат сувда эрувчан бўлиб, химия саноатида тозалаш, нефть ва газ саноатида эса пармалаш жараёнида кенг фойдаланилади. Унинг қўлланилиши эса йилига бир миллион 180 минг сўм иқтисодий самара беради. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги профессор Ҳ. Фозилов раҳбарлигида электр тармоқларини оптимал равишда ишлаш принципларини ҳисоблаш алгоритми тузилди ва Ўрта Осиё бирлашган электр системаларига жорий этилди. Олинган иқтисодий тежам эса йилига 230 минг сўмни ташкил этади.

Архитектура ва энергетика факультетлари олимлари ҳам қизиқарли иш олиб бормоқдалар. Чунончи, ўтган йили доцент В. Архангельский раҳбарлигида Фарғона шаҳрининг марказий қисмини жойлаштириш бўйича конкурс лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тақдим этилди. Бу иш амалга оширилса, 250 минг сўмдан зиёд иқтисодий фойда олиш имконини беради. Доцент Я. Месенжник бошчилигида яратилган янги технология эса, кучли, пишиқ ва чидамли кабель олиш мумкинлигини исботлади. Бу илмий мавзу «Ташкентканбель» ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий этилмоқда ва дастлабки ҳисобларга қараганда, йилига бир миллион сўм иқтисодий фойда келтиради.

Илмий тадқиқотлар ҳажмини ошириш, структурасини яхшилаш, социалистик ҳамдўстлик шартномалари тузиш ишлари соҳасида бизнинг институт республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бўйича ташаббускор коллективлардан ҳисобланади. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 30 дан ортиқ йирик корхона ва қатор илмий-тадқиқот институтлари билан ана шундай шартномалар тузилди. Булар орасида механика факультетининг «Ташсельмаш», трактор заводлари ва машинасозлик бўйича давлат конструкторлик бюроси билан, химия технологияси факультетининг «Навоиазот», энергетика факультетининг «Ташкентканбель» ишлаб чиқариш бирлашмалари билан тузилган комплекс социалистик ҳамдўстлик шартномаларини алоҳида таъкидлаш керак.

Ишлаб чиқариш билан фаннинг бу хил алоқаси жуда яхши самара бермоқда. Шундай шартнома асосида механика факультети коллективи бажарган илмий ишлар бир миллион сўмдан ортиқ иқтисодий тежам олиш имконини берди. Хўжалик шартномалари асосида илмий ишлар олиб боришда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш, узлуксиз янги автоматлашган технологик жараёнлар яратиш алоҳида ўрин олган. Бу борада профессор Ф. Мирзаев раҳбарлик қилаётган ноорганик моддалар технологияси ва профессор Н. Юсуфбеков бошчилигидаги химия саноатини автоматлаштириш кафедраларида самарали ишлар олиб борилаётир.

Илмий ишлар равнақининг яна бир муҳим омили — ўқитувчилар малакасини ошириш йўлидир. Тўққизинчи беш йилликда кафедра ва илмий лабораторияларда амалга оширилган муҳим ишлар 18 докторлик ва 250 дан ортиқ кандидатлик диссертацияларини ёқлаш имконини берди. Шу йилнинг ўзида битта докторлик диссертацияси муваффақиятли ёқланди, тўртта докторлик диссертацияси эса илмий совет муҳокамасига тақдим этилди.

Институтимизда студентларни илмий ишлар олиб боришга жалб этиш анъана бўлиб қолган. Ҳар йили хўжалик шартномаси бўйича олиб борилаётган илмий ишларнинг ўзида минггa яқин студент қатнашмоқда. Бу ишда 10,5 мингдан ортиқ бўлажак мутахассисни бирлаштирувчи студентлар илмий жамияти катта роль ўйнаяпти. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, ҳозирги замон мутахассиси фақат белгиланган ўқув программасини ўзлаштиришгина қолмасдан илмий ишларда ҳам фаол иштирок этиши, мустақил фикр юрита олиши лозим, бундай етук мутахассис ходимлар етиштириб чиқариш Иттифоқимиз олий ўқув юртларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Худди шу бўйсдан институтимизда студентларни илмий ишлар олиб боришга тобора кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳар йили бизда студентларнинг илмий-назарий ва илмий-техника конференциялари ўтказилиб турилади. Уларда студентлар профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида олинган илмий натижалар хусусида доклад қиладилар. Қизғин баҳслашувлар билан муҳокама этилган энг яхши докладлар эса республика ва Бутииттифоқ кўриклари ва виставкаларига тақдим этилади. Ўтган уч йил мобайнида институтимиз студентларининг 200 дан ортиқ илмий иши шундай кўрикларда қатнашди.

Бизда ихтирочилик ишлари ҳам йил сайин яхши натижалар бермоқда. Олимларимиз томонидан бажарилган илмий мавзулар бўйича шу беш йилликнинг уч йили мобайнида 180 дан ортиқ авторлик гувоҳномаси ва учта патент олинди.

Профессор-ўқитувчиларимиз янги ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишда ҳам актив қатнашмоқдалар. Хусусан профессор Рустамовнинг «Умумий химия», доцент Сулаймоновнинг «Машина деталлари» дарсликлари студентларга жуда маъзур бўлиб, ўқув программаларини ўзлаштиришда, лаборатория ишларини олиб боришда яхшигина қўлланма бўлиб қолди. Коллективимиз эришган ютуқлар 1977 йили мамлакат олий ўқув юртлари социалистик мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаганлигимизда, ўтган йили эса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганимизда ҳам ўз аксини топди.

Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб айтиш мумкинки, бизнинг политехника институтимиз Коммунистик партия гамхўрлиги туфайли республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам улкан техника билимлари масканига айланди.

Карим АҲМЕДОВ,
Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ИЛҒОРЛАР ҲИССАСИ

СССР Конституциясининг икки йиллигини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олишга аҳд қилган «Навоиазот» бирлашмасига қарашли органик аммоний сульфати ишлаб чиқариш корхонаси коллективи социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқда. Саккиз ойлик план топшириқларини 21 июлдаёқ ado этишга муяссар бўлган кимёгарлар пландан ташқари бир неча юз тонна қиймматбаҳо хом ашё тайёрлаб, колхоз ва совхозларга жўнатдилар. Бу ғалабани қўлга киритишда III даражали Меҳнат шуҳрати орденли катта аппаратчи Н. Сидельникова, аппаратчилардан Г. Мартюшина, Қ. Суркулов сингари ишлаб чиқариш илғорларининг муносиб ҳиссаси бор.

И. АЛЕКСАНДРОВ.

Бухоро области.

ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛИДА

«Ўзбекистон» санаторийси Ялтанинг хушманзара жойларидан бирида. Бу ерда дам олувчиларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда санаторийни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир-биридан қўркам янги бинолар қад кўтараётир. Жумладан, Андижон «Облколхозстрой» трестидан ташриф буюрган қурувчилар клуб ва ошхона қурилишида жонбозлик кўрсатяптилар. Бетон қорувчи Н. Тожибоев, пайвандчи П. Ткаченко, дурадгор Р. Брамиков, шофёр Б. Мамажоновлар мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

А. БУРИБОЕВ.

Ялта шаҳри.

ҒУЗОР АСФАЛЬТИ

Ўнинчи беш йилликнинг кенжа корхоналаридан бири — Ғузор асфальт-бетон заводи биринчи навбати ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай корхона коллективи асфальт тайёрлаш технологиясини пухта ўзлаштириб олди.

Корхона маҳсулоти Ғузор, Қамаши ва Деҳқонобод районларидаги йўл қурилиши участкаларига ва бошқа объектларга пешма-теш юборилмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Қашқадарё области.

* * *

Редакция шунингдек, **Р. Ҳусанов, П. Бозорова, М. Маҳмудов** (Фарғона), **Ш. Маҳмудов** (Қашқадарё), **А. Отажонов** (Наманган), **Т. Дўстметов** (Сирдарё), **С. Эшмирзаев, Б. Маликов** (Сурхондарё), **Ҳ. Рустамов** (Андижон) лардан ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар олди.

МУҲИМ МАВЗУ ВА МАҲОРАТ

МАТБУОТ ТЕМАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида оммавий ахборот органлари замондошларимизни ўзининг кундалик таъсири билан тобора тўла қамраб олаётганлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Кейинги йилларда район газеталарининг саҳифаларида ўқимишли, чуқур мазмунли материаллар кўпайди.

Шу билан бирга айрим газеталарнинг таҳламларини кўздан кечириш бир қатор редакциялар ўз ишларини ҳали жиддий равишда қайта қуриб олмаганликларини, ҳануз эски «анъаналар» билан кифояланиб келишаётганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳол, айниқса, партия ташкилотлари ҳаётини ёритишга бағишланган материалларда яққол кўзга ташланмоқда. **Қизилтепа район «Қизил тонг» газетаси** саҳифаларида қуйи партия ташкилотлари фаолиятини ёритишга бағишланган материалларнинг аксарияти бир қолипда, расмий тил билан ёзилади. Партия ташкилотларининг сиёсий-ташкилотчилик ва оммавий-тарбиявий ишлари, социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига доир деярли барча материалларга хос қусур шундан иборатки, уларда амалий фаолият жараёни, тажриба мукаммал қамраб олинмайди. Шу билан бирга қуйи партия ташкилотлари ҳал этиши лозим бўлган актуал масалаларни четлаб ўтиш, кескин проблемаларни юмшатиб талқин этиш ҳоллари кўрамиз.

Бундай мисоллар якка-ёлғиз эмас. Актуал, муҳим мавзуларни ёритишга юзаки, енгил-елпи ёндашиш фактларига дуч келганда ёки айрим район газеталарининг таҳламларини кўздан кечираётиб, беихтиёр маҳаллий журналистлардан бири билан бўлган суҳбатни эслайман. Суҳбатдошимиз — **Калинин район «Ленинчи»** газетаси редакторининг ўринбосари Абдусаттор Ҳатамовни шу газета коллективи камолга етказди. У қишлоқ мухбиридан малакали журналист, редактор ўринбосари ва айни пайтда газетада муҳим мавзу — партия ҳаётини ёритиш учун мутасадди бўлимнинг мудири лавозимига кўтарилган.

— Ҳар бир мавзу ўқиш, ўрганишни тақозо этади, — деган эди ўшанда А. Ҳатамов. — Партия темасида ёзишга жазм қилган журналистга эса ниҳоятда катта талаблар қўйилади. Биз партиявий ишни ёритишни бир неча асосий йўналишларда олиб бормоқдамиз. Аввало, «Партия турмуши» рубрикаси остида бериладиган материалларда қуйи партия ташкилотлари жанговар ишларини бутун тўлақонлиги билан қамраб олишга эътибор бераётирмиз. Бунда партия ахбороти, партия ташкилотлари фаолиятига оид турли жанрдаги материалларни тайёрлаш ва газета саҳифасига олиб чиқиш асосий ўрин тутмоқда. Лекин айни пайтда биз партия ҳаётининг етакчи йўналишлари бўйича цикл мақолалар билан чиқишни ҳам йўлга қўйдик.

Хўш, «Ленинчи» газетаси «ўз услуби»га содиқми? Бош мавзуни ёритишда қарор топган тажриба нималардан иборат? Газета чиқишлари ҳамиша ҳам кутилган самараси беряптими?

Газета таҳламларини кўздан кечирамиз. Март ойининг бошларида газетада «Москва» совхози бригадири, райком аъзоси Ҳ. Ҳошимовнинг «Коммунист масъулияти» сарлавҳали мактуби эълон қилинди. Коммунист КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга оширишда партия аъзоларининг ғоят юксак масъулияти ҳақида атрофлича мулоҳаза юритади. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини, юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда уларнинг авангардлигини ошириш, гаашаббускорлигини ва ишда ижодкорлигини ривожлантиришга доир ишларнинг аҳволи ҳақида ҳикоя қилади. У ёки бу масала туғилганида коммунистлар ўзларини қандай тутгандиклари, топширилган ишни эплай олган ёки коллектив ишончини оқламаётган пассив коммунистларнинг ишдаги лоқайдлигини кўрсатиб, автор шундай деб ёзади: «Коммунистнинг сўзи ва иши бир бўлиши — унинг энг яхши ҳислати деб биламан. Коммунист ҳоҳ катта вазифада ишласин, ҳоҳ оддий ишчи бўлсин, масъулиятни чуқур ҳис этиши керак. Чунки бошқалар ундан ўрнак олади, унга эргашади. Унинг ҳамма ҳатти-ҳаракати кишилар кўз ўнгида».

Коммунистнинг бу мулоҳазалари газетхонларда катта қизиқиш туғдирди. Редакция шу хусусда жойлардан кўплаб хат-хабарлар ола бошлади. Бу ҳол янги «Партия турмуши: коммунист масъулияти» рубрикаси газета саҳифасидан муҳим жой эгаллашига олиб келди. Шу рубрика остида Калинин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Б. Фозиловнинг «Олдинда бўлиш — бурчимиз», Оржоникидзе номли колхоз механизатори Н. Жуманалиевнинг «Механизатор аёллар сафи кенгаяверсин», «Партия XXI съезди» совхози пропагандисти З. Эгамназаровнинг «Даъватқор сўз билан» сарлавҳали материаллари ўрин олди. Ойбек номли ўрта мактаб партия ташкилотининг секретари Н. Бекмирзаев «Келажакка даҳлдор» сарлавҳали мақоласида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида коммунистик тарбия ишини такомиллаштиришда коммунист-педагог ижодкорлигига доир фойдали мулоҳазалар билан чиққан. Муаллиф таълим-тарбия ишини йўлга қўйишда қишлоқ зиёлисининг ролига алоҳида эътибор беради.

Газета саҳифасида муайян бир мавзудаги материалларни изчиллик билан эълон қилиб бориш қўйилган проблеманинг актуаллигига газетхон эътиборини тортади, уларда ўзларини ташвишга солаётган, ҳаяжонлантираётган проблемалар, уларни ҳал этиш йўллари билан ўртоқлашиш иштиёқини уйготади. «Ленинчи»да ҳам шундай бўлди. Асосий рубрикадан ташқари газета саҳифасида «Хатлардан сатрлар» рубрикаси ҳам пайдо бўлди.

«Ленинчи» газетаси редакцияси фаолиятида бу янгилик эмас. Район журналистлари КПСС XXV съездидан кейин партия ҳаётини ёритишнинг формаларини такомиллаштириш борасида жиддий изланишга киришдилар. Натижада газетада етилган, актуал проблемалари кенг газетхонлар иштирокида атрофлича муҳокама қилиш ва унинг барча жиҳатларини ёритгач, мавзу хусусида якунловчи материал билан чиқиш анъана бўлиб қолди. Ўтган уч йил мобайнида «Коммунистнинг авангардлиги нимада?», «Чорвачиликдаги коммунистлар», «Партия группасининг кучи нимада?» сарлавҳалари остида коммунистлар, сайлаб қўйилган партия активи, партия ходимларининг газета орқали кенг фикр олишувлари ўтказилди.

Партия ҳаётининг у ёки бу жиҳатини ёритишга ана шундай изчил ёндашиш, муҳим масалаларни ошкора муҳокамага қўйиш район партия комитетининг коммунистлар авангардлигини ошириш, қуйи партия ташкилотлари жанговарлигини кучайтиришга оид ишларига самарадорлик бағишламоқда, ишда баъзан учраб турадиган расмиятчилик, бефарқлик, юзакичилик ҳолатларига барҳам бермоқда.

Сўнгги ойларда район газеталари саҳифаларида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ёритишга маълум ўрин ажратилмоқда. Бу табиий, албатта. Шу билан бирга бу ғоят муҳим мавзуни ёритишга юзаки, шошма-шошарлик билан ёндашиш ҳоллари ҳам юз бераётир. «Ижтимоий ҳаётимизнинг актуал масалаларини ошкора муҳокамага қўйишдан қўрқиш, ҳал этилмаган проблемаларни, кескин масалаларни паспўшлаб, четлаб ўтиш реал ҳаётимизда мавжуд бўлган камчилик ва қийинчиликлар ҳақида лом-мим деймаслик каби ҳоллар ҳануз учраб туради... Бундай ёндашиш, дабдабабозликка мойиллик ишга ёрдам бермай, балки муштарак вазифаларимизнинг ҳал этилишини қийинлаштиради, холос». КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидланган ана шу мулоҳазалар тўлалигича **Оққўрғон район «Мўл ҳосил учун», Амударё район «Амударё ҳақиқати» газеталарига** ҳам тааллуқлидир. Мазкур газеталарда партия группалари, цех партия ташкилотлари бошлангич партия ташкилотларининг серқирра сиёсий-ташкилотчилик ишига оид ёрқин, ўқимишли мақолалар, корреспонденциялар деярли эълон қилинмаётир.

Партиявий-ташкилий ишни, хўжаликка партиявий раҳбарликни, мусобақани ташкил этишни, меҳнат коллективларининг шахс камолотидаги ролини ёритиш эътибордан четда қолмоқда. Партия ҳаётига оид материалларнинг кўпчилиги узундан узоқ, баландпарвоз кириш билан бошланади. Ҳеч бир материалда партиявий-сиёсий иш жараёни, бу ишни амалга ошираётган ходимларнинг маънавий дунёсини очиб беришга интилиш сезилмайди. Партия ҳаётини изчил, яхлит бир система асосида ёритиш учун изланиш йўқлиги, маҳоратнинг етишмаслиги бунинг асосий сабабидир. Баъзи материалларда умумий гапларга берилиб кетиб, конкрет тажрибани очиб бериш, бу тажрибани қўлга киритган кишиларнинг партиявий иш самарадорлигини ошириш маҳоратини қизиқарли, ўқимишли ёритиш эътибордан четда қолдирилмоқда. Партия ҳаётига доир баъзи материалларда масаланинг моҳиятига тааллуқли умумий гаплар ва бир неча фактлардан кейин хўжалик ишларининг якунларига доир рақамлар қалаштириб ташланади. Партия ташкилотларининг иш усули ва услуби чуқур очиб берилмайди. Бу материалларни кўздан кечирар экансан: «Уларни эълон қилишдан мақсад нима?» «Бу материаллардан газетхон қандай фойда олади?» сингари саволлар туғилади, албатта.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, пропаганда ишида ҳар қандай шаблонга мойиллик, расмиятчилик, қуруқ гап сотиш, материалларнинг суюқ, расмий услуба ёзилиши умумий ҳақиқатлар устида ижодий фикр юритиш ўрнига, жонли ва оммабоп формаларни қидириб топиш ўрнига тумтароқ, дабдабабоз жумлаларни ҳадеб такрорлайверишга газета материалининг ўқимишли чиқишига, таъсирчанлигига жиддий путур етказади. Район газеталари таҳламларини кўздан кечириш бир қатор редакцияларда партия ҳаётидек муҳим мавзуни ёритишга даъват этилган айрим журналистлар ҳали ана шу оддий ҳақиқатларни тўла англаб етмаганликларини кўрсатмоқда. Газетада ҳар бир мавзу, айниқса партия ҳаётига оид материаллар кишилар онги ва туйғуларига таъсир ўтказа оладиган, уларда ижодий фикр уйғотадиган, одамларни катта ишларга руҳлантирадиган даражада таъсирчан, ўқимишли, чинакам оммабоп ёзилмоғи даркор. Ана шундагина идеология фронтининг жанговар ва оммавий қуроли чинакам таъсирчан ва сафарбар этгирувчи қучга эга бўлади.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

ЮКСАК ИДЕАЛЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРА БОРИБ

Тинчлик, инсонпарварлик ва социал тараққиёт юксак идеалларига садоқат билан хизмат қилаётган совет киноси 23 августда XI Москва халқаро фестивалининг конкурсига «Парвоз» фильмини қўйди. Космонавтикага асос солган К. Э. Циолковскийнинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи бу картинанинг экранда пайдо бўлиши тарихда энг узоқ киши бошқарадиган космик учиш муваффақиятли тугаган кунларга тўғри келди.

Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига юборган табрикларида, жумладан, бундай деб ёздилар: «Ажойиб диёримизни, шунингдек космик ҳаётимизни кинопленкага тушираётиб, космик кинематографиянинг ҳамма вазифаларини ўзлаштириб олдик». Бевосита космосда суратга олинган фильмлар конкурс экранига чиқадиган кун узоқ бўлмаса керак. Ҳозирча, ерликларга космос йўлини очиб берган одам тўғрисидаги фильмни кўриб турамиз.

«Парвоз» фильми, шу картинани яратган кишиларнинг айтишларича, Циолковскийнинг таржимаи ҳолидан ҳам кўра унинг ғоялари биографиясини тараннум этади. Бу ғояларни амалга ошириш инсоният тарихида янги бир даврни очиб берди. Режиссёр С. Кулиш Константин Эдуардович ролига шоир Е. Евтушенкони таклиф қилди. Томошабинлар олим ва мутафаккир кишининг ҳаётидан қарийб 30 йил ичида содир бўлган воқеаларни кўрадилар. Биринчи марта ролда чиқаётган актёр учун бу осон вазифа эмас.

— Актёр Евтушенкода ундаги поэзиянинг энг муҳим жиҳатлари: «Фикри-зикрини жамлай билиш маҳорати» фидойилиги намоён бўлди. Мана шулар унинг, назаримда, қизиқарли натижаларга эришишга имкон берди.

Бу сафарги фестиваль жаҳон кинематографиясига катта таъсир кўрсатган совет киносининг 60 йиллиги арафасида ўтмоқда. Шунинг учун ҳам кино кўрик қатнашчилари совет ҳамкасбларининг асарларига алоҳида қизиқиш билан қараяптилар. Бизнинг киноустаҳаримиз ўз программаларини С. Эйзенштейннинг «Яшасин Мексика!» деган фильмининг премьераси билан бошлаб бердилар. Бу фильм фестивалга ажойиб бир совға бўлди. Марказий кино уйида турли йиллардаги энг яхши совет ленталарини ретроспектив кўрсатиш 23 август куни В. Шукшиннинг «Қизил бодрезак» фильми билан тугади.

Шу кунларда Москванинг меҳмонларига барча иттифоқдош республикалар кинематографиячиларининг асарлари билан танишиш имконияти яратиб берилди. Уларнинг картиналари пойтахтдаги катта-катта кинотеатрларда қўйилмоқда, улар совет кино санъатининг юбилейига бағишланган виставкада мамлакат студияларининг ижобий ҳисоботларига киритилган. Фестивалнинг конкурс программаси ва информацион программаси совет кино санъатининг кўп миллатли характерини акс эттиради: унга Россия Федерацияси, Украина, Грузия, Эстония... кинематографиячиларининг ишлари киритилган. Туркманистон кино усталарининг «Чопқир отнинг ўғирланиши» деган саргузашт лентаси энг ёш томошабинларга аталган. Бу фильмдаги воқеалар 1919 йил революция дамларида ўтади.

«Ҳамма энг яхши нарсалар — болаларга» деган гап ҳаётимизнинг қонуни бўлганлигидан болаларга аталган фильмлар ҳам ғоят сифатли бўлиши лозим. Совет Иттифоқидаги 20 та киностудия болалар учун бадиий, мультипликацион ва илмий оммабоп ленталар чиқариб туради. 350 та ихтисослаштирилган кинотеатр ёш томошабинларни чорлаб туради, мамлакатда бир йил ичида болалар учун жами 10 миллионта сеанс ўтказилади. Ёш томошабинлар учун бундай бақувват кино индустрия дунёнинг бошқа бирон жойида йўқ. Советлар мамлакати ёш авлодининг ўз студияси — биринчи ҳаҳонда биринчи М. Горький номли болалар ва ёшлар фильмлари марказий студияси бор.

Конкурс экранлари порлаб турибди, тобора янгидан-янги фильмлар ижодий мусобақага киришмоқда. Шу куни Марказий концерт залида Руминиянинг «Дақиқа» ва Гананинг «Мозий» бадиий фильмлари кўрсатилди.

Л. ЕРМАКОВА,
М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
И. ВЕКСЛЕР,
(ТАСС мухбирлари).

Поп районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари сигирлардан сут соғиб олишни янада кўпайтириш учун мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар. Илгор чорвадор М. Каримбоева бу мусобақада ғолиблик қиляпти. У ўз боқимидаги 38 бош сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Суратда: М. Каримбоева.

Ж. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика Қизилқум регионни кончилик саноати минерал хом ашё базасини ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлар учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ Қизилқум геология-разведка экспедициясининг бошлиғи Ахрор Акрамович **Акрамов**, Кўкпатас геология-разведка экспедициясининг бошлиғи Насим Раҳматович **Асатуллаев**, Қизилқум геология-разведка экспедициясининг бош геологи Георгий Васильевич **Касавченко**, Кўкпатас геология-разведка экспедициясининг бош геологи Виктор Андреевич **Паздзерский** ўртоқларга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог Фахрий унвони берилди. «Самарканд геология» бирлашмаси ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика эстрада санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун республика «Ўзбекконцерт» гастроль-концерт бирлашмасининг хизмат кўрсатган «Ялла» давлат вокал чолғу ансамбли артисти ўртоқ Шобозиддин Шоҳобиддинович **Низомиддинов**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми пиллачилик соҳасида кўп йил самарали илмий-тадқиқот ишлари, ана шу тармоқни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Урта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири ўртоқ Галина Александровна **Вербицкая**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали илмий-тадқиқот ишлари, гербицидларни қўлланиш йўли билан бегона ўтларга қарши курашнинг химиявий методларини ишлаб чиққанлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этганлиги учун Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири ўртоқ Эдвин Леонович **Алхасьянц**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Чорвачилик соҳасидаги ишларнинг аҳволи Андижон область партия комитетининг иккинчи пленумида қизғин муҳокама қилинди. Пленум бу йил область чорвачилигини ўтган йилдагига нисбатан 25 процент ривожлантириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Ўшандан бўён орадан ойлар ўтди. Хўш, обком қарори Хўжаобод районида қандай бажарилмоқда?

* * *

Гўшт комбинатига Хўжаобод районидаги машҳур «Россия» колхозидан бўрдоқига боқилган буқаларнинг навбатдаги туркуми олиб келинди. Тарозида тортилганда ҳар бир молнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 370 килограммлиги маълум бўлди. Бу, нормадагидан 50—60 килограмм кам. Колхоз йил бошидан бери гўшт комбинатига ҳудди шу вазнда 209 бош мол топширди.

Калинин номли совхоздан келтирилган 65 бош буқа ҳам тош босмади. Ҳар бирининг тирик вазни 265 килограммга тўғри келди. Куйбишев номли колхоз гўштга сотган 100 бош молнинг тирик вазни 390 килограммдан ортмади. Ваҳолонки, илғор хўжаликларда қорамоллар 450—560 килограммга етказиб семиртирилмоқда.

Район бўйича олганда ҳам гўштга ажратилган чорванинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Йилнинг ўтган етти ойида 448 бош буқа шошмашошарлик билан семиртирилмасдан гўштга топширилди. Агар бу ориқ моллар яхши боқилганда, район қўшимча 11 тонна гўштга эга бўларди. Афсуски, шундай имконият қўлдан бой берилди. Оқибатда районда гўшт етиштириш даражаси областнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам тушиб кетди. Масалан, Андижон области етти ойда топширишга нисбатан 8,2 процент ўсиш берди. Хўжаобод районида эса бу кўрсаткич 2,9 процентдан ошмади.

Сут етиштириш соҳасида ҳам Хўжаобод райони анча оқсаб қолмоқда. Ўтган етти ойда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори район бўйича 1401 килограммга тўғри келди. Бошқа районларга таққослаганда хўжаободликлар областда етинчи ўринда бораётирлар. «Победа» колхозида сут етиштириш кўпаймаяпти. Ҳар бош сигирдан сут соғиб олишда ипакчилик совхози Андижон областида 124-ўринни, «Ёш ленинчи» колхози — 122-ўринни, Карл Маркс номли колхоз 116-, «Москва» колхози 107-, «Коммуна» колхози 97-ўринни бўшатмаяпти. Районда сигирлар туёғи планга нисбатан 197 бош камайиб кетди. Бу соҳадаги план 93,7 процент бажарилди, холос. Соғин сигирлар умумий қорамоллар сонининг 27,1 процентини ташкил этади. Кўрниб турибдики, Хўжаобод райони сигирларнинг подадаги салмоғини оширишда ҳам областда анча орқада. Киров номли аграр-саноат бирлашмасида, Карл Маркс номли, Абдулла Набиев номли колхозларда сигирларни гўштга сўйиб юбориш қоллари рўй бермоқда.

Айтишларича, районда бузоқ олиш бултургидан 77 бош кўпайган. Лекин ҳар 100 бош сигирдан бор-йўғи 58 бошдан бузоқ олингани кишини ҳайратга солади. Афтидан, районда чорвачиликни юксалтириш планлари юзаки тузилган, тадбирлар жиддий иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланмаган. Текшириш жараёнида хўжаликлардаги маҳсулот ишлаб чиқариш планлари билан район қишлоқ хўжалик бошқармасидаги планлар ўртасида катта тафовутлар борлигини сездик. Биз «Коммуна» колхози фермасида қуйидаги манзарага дуч келдик:

— Ҳар юз бош сигирдан қанчадан бузоқ олинди?

— 38 бошдан, — деди ферма мудири Иброҳим Ғозиев.

— Жуда оз-ку?

— Билмайман, — деди Ғозиев, — фермага келганимга бир йил бўлди.

— Бултур бу колхозда 69 бош сигир қисир қолган эди, — деди район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош зоотехниги Тожимаҳаммад Рўзиқулов суҳбатга аралашиб, — шунинг учун оз бузоқ олинди.

— Колхоз бу йил қанча сут етиштиради?

— Қанча сотилишини биламан, етиштиришни айтолмайман, — деди ферма мудири.

— Нега?

— Айтганим билан райондаги рақамга тўғри келмайди.

— Билганингизни айтаверинг.

— 340 тонна.

— 357 тонна, — тузатиш киритди бошқарма бош зоотехниги.

— Кўрдингизми? — деди ферма мудири жонланиб, — планимиз ўзгариб туради.

— Йил бошидан буён ҳар бир сигирдан қанчадан сут соғиб олинди?

— Ёдимда йўқ. Аллақачонга ёзиб қўйгандим.

— Колхоз қанча гўшт етиштиради?

— Анигини билмайман...

Ферма мудири ва бошқа кишилар билан суҳбатлашиб, биз шу нарсага ишондикки, район раҳбарлари маҳсулот етиштириш планларига тузатишлар киритавериб, мутахассисларнинг хафсаласини пир қилиб қўйишган. Шунинг учун улар масъулиятни ҳис этишмайди, чорванинг тақдири билан қизиқишмайди. Бизнингча, чорвачилик юзасидан тузилган планлар реал бўлиши, улар хўжаликларнинг раҳбарларини, мутахассисларни мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш йўлларини қидиришга мажбур этиши керак. Биз бу ҳақда шунинг учун гапиряпмизки, областнинг бошқа кўпгина хўжаликларида ҳам чорвага ана шундай муносабат сезилмоқда.

Хўжаобод районида чорвачилик кадрларини тарбиялаш ва улар меҳнатини енгиллатишга эътиборсиз қаралмоқда. Фермаларда ҳалигача кўп ишлар, шу жумладан сигирларни соғиш асосан қўлда бажарилмоқда.

Бундай аҳволдан қутулиш учун ҳамма жойда механизацияни жорий этиш, айни маҳалда сут соғувчиларни соғиш агрегатларида ишлашга ўргатиш керак. Афсуски, Хўжаобод районида бу иш жуда секинлик билан амалга оширилмоқда. Районда 16 та соғиш агрегати бор. Лекин улардан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Абдулла Набиев номли, «Победа» колхозларидаги соғиш агрегатлари анчадан буён бекор турибди.

«Коммуна» колхозидаги «Универсал» соғиш установкасининг бузилганига бир йилдан ошиб кетди. Уни ишга тушириш тўғрисида қайғурадиган киши топилмаётир. Районда сигирларга озуқа тарқатадиган ва молхоналарни тозалайдиган транспортёрлар, сув берадиган механизмлардан фойдаланиш ҳам яхши эмас.

Қўйчиликни ривожлантириш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Бу йил район отарларидаги қўйлар 782 бош кўпайди. Бироқ, 639 бош қўй, мингдан ортиқ қўзи нобуд бўлди. Ипакчилик совхози, «Победа» колхозларида қўйлар кўпайиш ўрнига камайди. Районда парандачиликни ривожлантириш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Озуқа — чорвачиликнинг асосий негизи. Хўжаобод районги ем-хашак етиштириш учун ғоят қулай шароитларга эга. Хўш, ана шу имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда? «Ленинизм», «Ленинград» колхозларида ҳар йили етарли миқдорда озуқа жамғариб олинмоқда. «Ленинизм» колхози бу йил ҳам бир ярим йилга етадиган емхашак тайёрлаб қўйди.

Район бўйича олганда эса аҳвол чатоқ. Дағал хашак, табиий пичан, беда пичани тайёрлаш, силос бостириш суст бормоқда. Калинин номли совхоз, «Коммуна» колхози дағал хашак тайёрлашда имиллаб қолди. Бу хўжаликларда озуқанинг бир қисми йўқлиги аниқланди. Озуқабоп экинлар экилган майдонлар ўлчаб чиқилса ҳам худди шундай камчиликлар очилиши аниқ. Бош зоотехник Т. Рўзиқуловнинг қуюниб айтишича, «Победа» колхозида ҳам ана шундай фактларни учратиш мумкин.

Чорвачиликда бундай муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар кўп.

Хўжаобод район партия ва хўжалик органлари чорвачиликка раҳбарлик қилмаяпти, деб бўлмайди. Лекин чорвачиликни юксалтириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш учун биргина истакнинг ўзи камлик қилади. Амалий ишга келганда хўжаободлик раҳбар ўртоқларда тащаббус, ташкилотчилик етишмаяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ВЕНАДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

ВЕНА. (ТАСС). Пойтахтдаги ярмаркалар саройида тинчлик ва тараққиётга хизмат қилувчи фан ва техникага бағишланган совет виставкаси очилди. Бу виставка веналикларни ғоят қизиқтирди.

Экспозиция КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида ҳормай-толмай бажараётган ишларини акс эттирувчи стенд билан очилади.

Виставка экспонатлари томошабинларни совет фани ва техникаси турли соҳаларда эришган муваффақиятлар билан, 70-йилларнинг энг йирик иншоотлари билан таништиради. Веналиклар совет космонавтикаси, электр энергетикаси, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, маориф ҳақида, СССРнинг халқаро муносабатлари тўғрисида кўпгина мароқли маълумот олмоқдалар.

Бу ерда рус тили ва чет тилларда чоп этилган илмий-техникавий адабиёт кўп. Махсус бўлим Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатларда саноатни вужудга келтириш, миллий кадрлар тайёрлаш соҳасида уларга кўрсатаётган беғараз ёрдамига бағишланган.

Виставка социализмнинг фанни ривожлантириш учун чексиз имкониятлар вужудга келтирганлигини, фанни халққа хизмат қилдираётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

«Орбитага командировка», «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш», «СССРда ихтиро қилинган» ва шулар сингари совет илмий-техникавий ва оммабоп фильмлари ҳаммага манзур бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари К. Вальдхайм виставка билан танишиб чиққандан кейин «СССР кишиларнинг бахт-саодати йўлида фан ва техникани ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор бераётганлиги»ни таъкидлади.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

БУХАРЕСТ, 23 август. (ТАСС). Бу ерда Руминия фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига бағишланиб жамоатчиликнинг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску доклад қилди.

У айтдики, 1944 йил 23 августдаги қуролли қўзғолон румин халқи ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди ва мамлакат ривожи тарихида янги даврни бошлаб берди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги кенг халқ оммаси, мамлакатнинг барча тараққийпарвар кучлари гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига қарши агрессиясига нисбатан аввалбошданоқ қатъий позицияни эгалладилар, Руминиянинг шу урушда иштирок этганлигини қаттиқ қоралаб, мамлакатнинг урушдан чиқиши ва гитлерчиларга қарши коалицияга қўшилиши учун кураш бошладилар.

Совет Армиясининг голибона ҳужуми, биринчи социализм мамлакати халқлари эришган ажойиб муваффақият, деб таъкидлади докладчи, халқаро вазиятга, шунингдек Руминиядаги аҳволга катта таъсир ўтказди. Биринчи социализм мамлакатининг халқлари урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олдилар ва фашизмнинг тор-мор этилишига энг катта ҳисса қўшдилар.

Докладчи РКП ва РСР социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор бераётганликларини айтди. Руминия ўзининг социалистик мамлакатлар билан муносабатлари халқларнинг манфаатлари йўлида кенгайиб мустаҳкамланмоғи учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон президенти Санжива Редди парламент қуйи палатасининг тарқатиб юборилишини ва мамлакатда муддатидан илгари сайлов ўтказилишини эълон қилди. Пресс Траст оф Индия агентлигининг хабар қилишича, бу сайлов шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлади. Президент истеъфога чиққан бош министр Чаран Сингх кабинетига бўлгуси сайлов натижаларига кўра янги ҳукумат тузилгунча ўз вазифаларини бажараверишни таклиф қилди.

Индира Ганди бошчилигидаги Ҳиндистон Миллий конгресс(и) партияси парламентда ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масала овозга қўйилган пайтда ҳукуматга ишонч билдирилишига қарши чиқишга қарор қилганидан кейин Ҳиндистонда ҳукумат танглиги рўй берди. Шу қарор муносабати билан кабинет истеъфога чиққан ҳамоно президент тангликни бартараф этишнинг амалий йўлларини белгилаш мақсадида конституция масалалари юзасидан сиёсий раҳбарлар ва юристлар билан маслаҳатлашишга киришди. Жумладан, у бош министр вазифасини ижро этувчи Ч. Сингх билан, Ҳиндистон Миллий конгресс (и) партиясининг раиси И. Ганди билан, Жаната парти раиси Ч. Шекҳар билан учрашди.

Президент истеъфога чиққан кабинетнинг маслаҳати билан конституциянинг 74-моддасига биноан парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишга ва муддатидан илгари сайлов ўтказишга қарор қилди.

Президент сиёсий секретарининг берган изоҳига қараганда, «ҳозирги беқарор вазиятда биронта партия мустаҳкам, таъсирчан ҳукумат тузишга қодир эмаслигига» президентнинг ишончи комил.

ИОРДАНИЯ—ФАЛАСТИН МУЗОКАРАЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Иордания ҳарбий-ҳаво кучларининг Мафракдаги базасида Иордания қироли Ҳусайн билан Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Я. Арафат Фаластин қаршилик ҳаракатидаги ҳамма асосий отрядлардан вакил бўлиб келган делегацияга бошчилик қилди. Музокараларда Иорданиянинг раҳбар давлат арбоблари қатнашдилар.

Иордания ва Фаластин Озодлик ташкилоти, дейилади музокараларнинг якунлари тўғрисидаги қўшма ахборотда, босиб олинган араб ерлари аҳолисининг Исроил агрессорларига қаршилигини қўллаб-қувватлаш ишида ҳамкорлик қилишга аҳду паймон қилганликларини таъкидлайдилар.

Ливан пойтахтидаги сиёсий обзорчилар шуни таъкидламоқдаларки, шу йил Я. Арафат билан қирол Ҳусайннинг Мафракдаги учрашуви уларнинг учинчи марта олиб борган музокараси бўлиб, Вашингтоннинг воситачилигида Миср билан Исроил ўртасида араб халқларининг манфаатларини камситиш ҳисобига тузилган сепарат битимга қарши кураш ишида Фаластин Озодлик ташкилоти билан Иордания ўртасидаги координация анча яхши эканлигидан далолат беради.

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ЗУЛМИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бу ерда БМТнинг апартеид масалалари билан шуғулланувчи махсус комитети навбатдаги мажлисини ўтказди. Бу мажлис Африка қитъасида мустамлакачилик, апартеид ва ирқий камситишнинг сўнгги ўчоқларини тугатиш ҳамда Жанубий Африка халқларини мустамлакачилик зулмидан тезроқ озод қилиш масалаларига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари мувофиқлаштириб олиб бориладиган тадбирларни биргалиқда амалга ошириш йўли билангина Жанубий Африка халқларини озод қилиш жараёнини тезлатиш мумкин, деган фикрни якдиллик билан иқрор этдилар. Жанубий Африка халқлари Преторія ва Солсбери ирқчи режимларининг зулми остида ҳануз азоб чекмоқдалар.

АФҒОНИСТОН ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

КОБУЛ, 24 август. (ТАСС). Бугун бу ерда Афғонистон халқи билан халқаро бирдамлик конференцияси очилади. Бу конференция Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ташаббуси билан ўтказилади. Жаҳондаги 60 мамлакат ва кўпгина халқаро ташкилотларнинг делегациялари Кобулга келишди. Улар орасида Ангола ва Франция, Вьетнам ва Иордания, Венесуэла ва Португалия, Индонезия ва Кипр; Совет Иттифоқи ва Куба шунингдек бошқа кўпгина мамлакатларнинг вакиллари бор.

ҲИНДИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 24 август. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Раҳастхон штатида шу 1979—1980 молия йилида кўшимча равишда икки минг қишлоқ электрлаштирилди. Штат ҳукумати шу мақсадда 150 миллион рупия сарф қилди.

Ҳозирги вақтда мамлакат қишлоқларининг қарийб 40 процента электрлаштирилган. Йигирма йилдан кейин Ҳиндистон қишлоқ районларидаги барча аҳоли пунктларига электр қуввати билан таъминланади, деб фараз қилинмоқда.

ЯНГИ БЛОК ТУЗМОҚДАЛАР

Япониянинг ҳукмрон доиралари Чилидаги реакцион режим билан алоқаларни янада кенгайтириш йўлидан бормоқдалар. Япония ташқи ишлар министри С. Соноданинг Лотин Америкаси қитъаси бўйлаб қилган сафарида фашист хунта бошлиқлари билан олиб борган музокаралари натижалари буни исбот қилади. Киодо Цусин агентлигининг Сантьягодан берган хабарида бундай дейилган: Япония ташқи сиёсий маҳкамасининг бошлиғи «икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга интилаётганлигини билдирди». У хунтанинг экономикани тиклаш соҳасидаги тадбирларига ҳам «юксак баҳо берди» ва Чили халқининг жалолати Пиночетни расмий визит билан Японияга келишга таклиф этди.

Халқаро майдонда якка ланиб қолишдан қутулишга уринаётган хунта раҳбарлари Япония ҳукуматининг сиёсатидан мамнун эканлигини билдирдилар. Бу сиёсат эса Япония монополияларининг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Япония монополиялари арзон хом ашё олиш ва тайёр маҳсулот сотиладиган бозорга эга бўлиш мақсадида Чили экономикасига чуқуррок суқулиб киришга уринмоқдалар.

Айни вақтда Японияннинг ҳукмрон доиралари Тинч океан ҳавзасида ўзининг сиёсий-иқтисодий таъсирини кенгайтириш учун реакцион режимлар орасидан иттифоқчилар қидириб топишга интилмоқдалар. Киодо Цусин агентлигининг таъкидлаб ўтишича, Пиночет ва унинг гумашталари Японияннинг «Тинч океан ҳавзасидаги давлатлар ҳамдўстлиги»ни яъни Токио билан Вашингтон асосий роль ўйнайдиган блокни вужудга келтириш ҳақидаги таклифига «зўр қизиқиш» билан қарадилар.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ХЕЛЬСИНКИ.** Рахе шаҳридаги металлургия комбинати ишга туширилган кундан буён ўн беш йил ўтди. Бу комбинат Совет — Финляндия ҳамкорлигининг энг йирик объектидир. Комбинат ўтган йиллар мобайнида Финляндиянинг энг муҳим металлургия комплексларидан бири бўлиб қолди.

◆ **ТЕҲРОН.** Теҳрон бош прокурорининг вакили Эрон маъмурлари 26 газета ва журналларни чиқаришни тақиқлаб қўйганликларини хабар қилди. Булар орасида Эрон Халқ партияси (Туде) Марказий Комитетининг органи «Мардом» газетаси ҳам бор.

◆ **МАПУТУ.** Мозамбик Республикаси халқ ассамблеясининг доимий комиссияси кооператиплар тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонунда мамлакатда социалистик жамият қурилишида меҳнаткашларнинг ана шу кўнгилли бирлашмалари ўйнаётган роль баён қилинган.

(ТАСС)

ЭРОНДАГИ АҲВОЛ

ТЕҲРОН, 23 август. (ТАСС). Маҳаллий радионинг хабарларидан маълум бўлишича, Эроннинг ғарбида ҳукумат қўшинлари билан курдларга мухторият бериш учун курашаётган курд қўзғолончилари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Жанглар Сенкез шаҳри яқинида бўлиб ўтди. Ҳар иккала томондан бир неча киши ўлди ва жароҳатланди. Ўлганлар орасида 28 пиёда аскарлар дивизиясининг командири ҳам бор.

Мехобод шаҳрида кескин вазият сақланиб турибди, Теҳрон радиосининг хабар қилишича, бугун бу ерда маъмурлар томонидан тақиқланган Курдистон Демократик партиясининг қароргоҳи қунфаякун қилинган. Эрон армияси ва «революция соқчилари» назорати остидаги курд районларида маҳаллий аҳоли қўлидаги қурол-яроғ мусодара қилинмоқда.

Ҳумайни кеча радио орқали мурожаат қилиб, армия билан «революция соқчилари»ни ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб боришга, шунингдек интизомга оғишмай риоя қилишга чақирди. Мазкур фармойишни бузишда айбдор бўлган кишилар қаттиқ жазоланади, деди у.

Ҳумайни ўз ихтиёрлари билан қуролини топширадиган курдлар авф этилишини эълон қилди. У Эрон миллий нефть компаниясининг бошқарувчи директорига Эрон Курдистонини ривожлантириш учун компаниянинг нефть сотишдан тушадиган бир кунлик даромадини ажратиш тўғрисида кўрсатма берди.

ЛОНДОН, 23 август. (ТАСС). Яқинда Эроннинг ҳукумат маъмурлари тақиқлаб қўйган Курдистон Демократик партияси Марказий Комитетининг секретариати баёнот эълон қилди. Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, бу баёнотда Ислом революцион трибуналларининг ҳукмлари билан курдлар қатл этилаётганлигига қарши кескин норозилик билдирилган. Курдистон Демократик партияси Марказий Комитетининг секретариати жабр-зулм тўхатилишини ва қамоққа олинган кишиларнинг ҳаммаси озодликка чиқарилишини талаб қилади.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 20 августдаги Фармонига биноан, Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 837 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилади.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ:

«ПАХТАКОР»— МАЙДОНДА

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари мамлакат чемпионатининг 21-тур учрашувини Ереванда маҳаллий «Арарат» командаси билан ўтказишди. Учрашув Узбекистон телевидениеси орқали олиб кўрсатилди. «Пахтакор» қуйидаги янги составда майдонга тушди: А. Яновский (команда капитани), В. Ничаев («Черноморец» коллективидан), В. Эннс, М. Бондарев (ЦСКАдан), В. Ширин, В. Ким, Г. Денисов, В. Глушаков (москвалик спартакчи), З. Церетели (Кутаисининг «Торпедо» командасидан), Т. Шоймардонов ва К. Новиков. Булардан ташқари Р. Ахтямов ҳамда Ю. Ивановлар запас ўйинчи бўлиб турдилар. Танаффусдан кейин К. Новиков ўрнига В. Керман майдонга тушди.

Учрашувнинг биринчи қисмида томонлар бир-бирларини синовчанлик билан куч синашдилар. Лекин пахтакорчиларнинг устунлиги сезилиб турди. Меҳмонлар навбатдаги ҳужумлардан бирида ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. К. Новиков ошириб берган тўпни В. Глушаков дарвозага ўйлаб пахтакорчиларни олдинга олиб чиқди. Шундан кейин майдон эгалари ва пахтакорчилар ўзаро қарши ҳужумга ўтиб турдилар.

Танаффусдан сўнг кейинги бир қатор учрашувларда муваффақият қозониб келаётган ҳужумкорликка зўр бердилар. Х. Оганесян ҳисобни тенглаштирди. 69-минутга борганда С. Петросян ўз командасига ғалаба келтирди. Учрашув охирида арватчилар яна бир тўп киритиб ғалабани мустаҳкамлаб олишди. Ҳисоб — 3:1. Хуллас, пахтакорчилар янги составда дуруст ўйин кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ўйлайимизки, команда состави ўйиндан ўйинга янги кучлар билан тўлдирилиб, ажойиб бир ансамблни ташкил этади. «Пахтакор» яқин келажакда мазмунли ва мароқли ўйинлар кўрсатади.

Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» (К) — «Шахтёр» — 2:0, «Черноморец» — «Заря» — 3:1, «Зенит» — «Крылья Советов» — 4:1, «Динамо» (М) — «Торпедо» — 0:2, «Нефтчи» — «Динамо» (Тб)— 1:2, СКА — «Қайрат» — 0:0, «Локомотив» — ЦСКА — 1:1. Киевлик динамочилар 32 очко билан пешқадамлик қилмоқдалар.

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Мельбурн шаҳрида якунланган жаҳон чемпионатида совет рапирачилари команда ҳисобида зафар қучдилар. Минсклик Романьков билан В. Лапицкий, киевлик В. Смирнов билан С. Косенко ҳамда тошкентлик С. Рўзиевлар ғолиблик суласининг юқори поғонасига кўтарилиб, кўксиларига олтин медаль тақдилар. Собир ўйин пайтида С. Косенко ўрнига тушиб икки ютуғи билан умум ғалабага муносиб улуш қўшди.

Самарқанд районида ташкил этилган «Мақом» ансамбли областдаги кекса ансамбллардан биридир. Унинг составида колхозчилар, ўқитувчи ва ўқувчилар бор. Ансамблнинг репертуари хилма-хил. Бадиий ҳаваскорлар район хўжаликларида тез-тез бўлиб, натта программада концерт бериб турадилар. «Мақом» коллективи район ва область бадиий ҳаваскорлари кўригида бир неча бор қатнашиб, совриндорликни эгаллаган. Суратда: «Мақом»чилардан бир группаси.

Р. Ғофуров фотоси. (ЎзТАГ).

ТАБИАТ— САЛОМАТЛИК МАНБАИ

ЎЗБЕКИСТОН БАСМАСИ

Республикамизда ҳам парфюмерия-косметика маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Чунки бундай маҳсулотлар фақат пардоз-андоз бўюмлари бўлибгина қолмасдан, айни вақтда кишида эстетик завқ уйготади, қолаверса саломатлик учун зарур омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаралаётган парфюмерия-косметика товарлари кундалик эҳтиёжни тўла-тўкис қондира олмаганлиги сабабли уларни тайёрлашда ишлатиладиган баъзи хом ашёлар хорижий давлатлардан харид қилинмоқда. Ана шулардан бири басмадир.

Четдан йилига 200 тонна басма маҳсулоти сотиб олинмоқда. Биргина бизнинг республикамиз савдо ташкилотлари харидорларга йилига 500 минг сўмлик басма маҳсулоти етказиб беришни планлаштирган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирча 178 минг сўмдан ошмаяпти.

Басма маҳсулотидан соч, қош ва киприкларни бўяшдагина фойдаланилмайди. Басма бошдаги қазғоқларни йўқотишда, тери экземаларига қарши курашда, зararли микробларни қиришда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Бу ўсимликдан олинадиган бўёқ нодир тасвирий санъат асарлари яратиш ҳамда матоларни бўяшда жуда қадрланади. Басма жуда чидамли ва юқори сифатли индиго — бўёқ моддасини олиш манбаи ҳисобланади. Бу ўсимлик хом ашёсига ва маҳсулотига жаҳон бозорида ҳам талаб ошиб бормоқда.

Хўш, басмани республикамиз шароитида ўстириб, ундан юқори ҳосил олса бўладими? Тайёрланган маҳсулотнинг сифати ҳамда фойдали хусусиятлари сақланиб қолармикин?

Бу саволларга жавоб бериш ва басмани республикамиз шароитида ўстириш мумкинлигини исботлаш мақсадида Узбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг эфир мойли ва бўёқли ўсимликлар лабораторияси илмий ходимлари республика дорихоналар бош бошқармасининг мутахассислари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Басма ўз ватанида — Шимолий Ҳиндистонда ва Эронда бута ёки чала бута ҳолида кенг тарқалган бўлиб, мамлакатимизда учрамайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида басмани республикамиз шароитида бир йиллик ўсимлик сифатида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг соз тупроқли районларига экиб, юқори ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди. Маданий басмазорларда гектаридан 35—39 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш мумкин. Ўзбекистонда тайёрланган басма маҳсулотлари ўзининг сифати, дориворлик хусусияти ва таркибидаги бўёқ моддасининг таъсир қуввати жиҳатидан хорижий мамлакатлардан харид қилинаётган басма маҳсулотларидан қолишмайди.

Ҳозирги кунда олим ҳамда мутахассисларимизнинг илмий хулосалари асосида тавсияома яратилди. Тошкентдаги доривор ўсимликлари экиш ва маҳсулотларни қайта ишлаш совхозида шу тавсиянома асосида басма ўсимлигини кўпайтириш билан шуғулланилмоқда. Бу ердаги дастлабки ишлар яхши самара берди. Ҳозирги кунда Узбекистон басмаси маҳсулотлари республика савдо тармоқларига чиқаришга тайёрланмоқда.

Галдаги вазифа басма ўсимлигини республикамизда кўпроқ ўстириш, мамлакатимизда ва жаҳон бозорида жуда ноёб ва қадрли ҳисобланадиган басма маҳсулотларини эҳтиёжларни тўла қондирадиган миқдорда тайёрлашдан иборат. Республикамизнинг мутасадди ташкилотлари қимматбаҳо хом ашё манбаи — басмани етиштиришга етарлича аҳамият бердиларми деган умиддамиз. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит бор.

Қ. ҲОЖИМАТОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг эфир мойли ва бўёқли ўсимликлар лабораторияси мудири, биология фанлари кандидати.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

ПУХТА ТАРАДДУД

Хоразм областидаги умумий таълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик барвақт поёнига етказилди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари, бутун жамоатчилик бу ишда фаол иштирок этдилар.

Мавжуд 397 мактаб, ўқитувчилар яшайдиган 380 та уйжой, фан кабинетлари, ошхоналар сифатли ремонт қилинди. 49 та ҳар хил спорт иншоати, шу жумладан 16 та спорт зали, 22 та тир, 11 та сузиш ҳавзаси барпо этилди. Ошхоналар 1325 ўринга кенгайди. Мактабларни электрлаштириш, газлаштириш, водопровод суви билан таъминлаш, телефонлаштириш борасида анча ишлар амалга оширилди. 11 та болалар кинотеатри қурилди, янги асбоб-ускуналар, ўқувчилар учун 108 минг сўмлик дарсликлар олинди.

Мактабларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Кўпгина мактаблар ҳозирги вақтда перрандачилик, қуёнчилик, қорамолчилик хўжаликларига эга. Оталиқ ташкилотлари мактаб чорвачилигини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатишяпти.

16 та янги мактабнинг фойдаланишга топширилиши кичкинтойларга муносиб совға бўлади. Боғот районидаги Жданов номли, Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхозларида, Хива районидаги «Қорақум» шоликорлик совхозида ва Ленин номли колхозда янги типовой мактаблар қад кўтарди.

Халқаро болалар йилида областнинг шаҳар ва қишлоқларида мактабгача тарбия муассасалари қурилиши авж олдирилди. Хива районидаги Фрунзе номли колхозда ва «Қорақум» совхозида, газчилар поселкасида, Янгиариқ районидаги марказида, Хонқа районидаги «Правда», Гурлан районидаги «Ленинград», Боғот районидаги Искандар Дўсов номли колхозларда жами 650 ўринли болалар боғчаси қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Мактабларнинг педагогик коллективлари ўқув йилига тараддуд кўришда ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Уларнинг сафига бу йил 600 чафарга яқин малакали ёш ўқитувчи келиб қўшиляпти. Айниқса, Қўшкўпир районидаги Урганч ва Хива шаҳарлари маориф ходимларининг янги ўқув йилига ҳозирлиги ҳар тараффлама ибратлидир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОДАМЛАРДАН НАЖОТ ИСТАБ

Исландия қирғоқлари яқинида сузиб юрган чоғроқ балиқчилик кемаси теварагида тўсатдан бир кит айланишиб қолди. Бунинг сабаби кит кемага жуда яқинлашгандагина билинди. Китнинг бошига балиқчилар тўри ўралашиб қолган бўлиб, жонивор оғзини очолмасди. Кит кемага яқинлашиб тиккасига отилар, бу билан у одамлардан ёрдам сўраётгандек эди.

Балиқчилар аввалига дастаси узун чангак билан тўрни олишга ҳаракат қилишди. Бироқ денгизнинг чайқалиши, кит билан «келиша олмаслик» барча уринишни чиппакка чиқараверди. Шундан сўнг жонивор кемаининг таг тўсинига тўрни илдириб силтанди ва тасодифий қопқондан халос бўлди. Буни қаранги, кит жуда эҳтиёлик билан силтанди. Аҳс ҳолда ўзидан деярли икки баравар кичик бўлган кемачани тўнкериб юбориши ҳеч гап эмасди. Одамлардан миннатдор бўлган жонивор кемани қирғоқкача кузатиб борди.

ҚАЙСИ БИРИ ҚУЛАЙРОҚ

Америка Қўшма Штатларида чиқадиган газеталарда тамаки қутиси, авторучка ёки зажигалкага ўхшатиб ишланган митти радиопередатчиклар зўр бериб реклама қилиняпти. Бундай передатчик сигналларини полиция маҳкамасидаги махсус аппаратлар яхши қабул қилар экан.

Шу ўринда нархи 1,5 минг долларлик бундай радиопередатчик нима учун керак бўлади, деган ҳақли савол туғилади. Айтишларича, юқорида санаб ўтилган буюмлар ўғирланган тақдирда уларни тезликда топиш ва... ўғрилардан ўз нархида сотиб олиш мумкин экан.

Ана мантиксизлик! Ўз буюмингни қайта сотиб олган қулайми ёхуд бундай қимматбаҳо матохни умуман харид қилмаган? Ёки, ўғрилар реклама бераётган газеталарни ўқишмасмикан?!

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Время». 9.40 —Гимнастика. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35 — «Ота-оналар, сизлар учун». 11.05 — Халқ оҳанглари. 11.20 — «Советлар ва ҳаёт». 11.50 — «Тонгги почта». 12.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.00— Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.40 — «Здоровье». 14.25 — «12 ёшингда». Бадиий фильм. 15.30 — «Дунё воқеалари». 15.45 — Спортлото. 16.00 «Талабларингизга биноан учрашувлар». 16.45 — Мультфильмлар. 17.15 — «Хайвонот оламида». 18.15 — «Инсон, ер, коинот». 19.00 — «Камалак». 19.25 — «9-студия». 20.25 — «Бир стакан сув». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий фильмнинг 2-серияси. 23.10 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Ш. Файзуллаев куйлайди. 10.50 —Кинопублицист экрани. 11.40 — Жанговар постда. 12.10 — «Митти қоҳоқ». Бадиий фильм. 13.55 — «Бургут». Спектакль. 15.15 — «Узбекистон спорти». 15.45 — «Ёшлик». 18.20 — Мультфильм. 18.30 — «До-ми-фа-соль». 19.00 — «Ҳаёт ва ёки тирик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Оламга саёҳат». 20.30 —, «Ахборот». 20.50 — «Зарблар ва рақслар». 21.30 —«Время». 22.05 — Телеминиатюралар. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.15 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Маъруф Қориев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — «Ёшлик». 10.25 — «Гулшан». 11.30 — Гижжанда Г. Ҳожиқулов чалади. 12.30 — Янги ўқув йили арафасида. 13.00 — Чорва қишловига тайёргарликнинг боришини текширамиз. 13.30 — Концерт. 14.00 — Сабзавоткорлар мўл ҳосил учун курашда. 15.50 — Бизнинг радиопочта. 16.10 — Ҳамза номли Кўқон театри ҳақида музикали эшиттириш. 17.30 — Халқ қўшиқлари. 18.15 — «Идеология ва ҳаёт». 19.45 — Узбек халқ куйлари. 20.25 — Дўстларимиз эстрадаси. 21.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 21.20 — Концерт. 22.28 — Най наволари. 23.20 — Дам олиш концерти.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

27 АВГУСТ — 2 СЕНТЯБРЬ

27 АВГУСТ — ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Бир стакан сув. Бадиий фильм, 1-2 сериялар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Совет киноси кунига бағишланган ҳужжатли фильм. 16.10 — Онамларнинг мактаби. 16.40 — Сувга сакраш бўйича халқаро ўртоқлик матчи. СССР — АҚШ терма командалари. 17.10 — Шамол эсадиган томон. Спектакль, 1-қисм. 18.35 — Қўшнимиз Туркия. 19.10 — Мультфильм, 19.25 — «Синяя птица» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 19.45 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 20.25 — «Тушетия чўпонлари». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Енгил атлетика бўйича жаҳон кубоги. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Болалар учун кўнгирчоқ фильм. 18.30 — Халқаро болалар йилига. 19.00 — Зангори экран почтаси. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). Танаффус пайтида ахборот. 21.15 — Ахборот. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Совет киносининг 60 йиллигига.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Паспортсиз киши. Бадиий фильм. 20.20 — Янгиликлар. 20.40 — СССР ҳалқлари куйлари. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

28 АВГУСТ — СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.50 — Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм, 1-серия. 11.55— Ҳайвонот оламида. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Телестадион. 16.30 — Мураббий. 17.00 — Шамол эсадиган томон. Спектакль, 2-қисм. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги. 19.45 — Хоккей бўйича Европа чемпионлари кубоги. Финал. ЦСКА (СССР) — Эссет (Пори шаҳри, Финляндия). 21.30 — Время. 22.05 — ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида совет киносининг 60 йиллигига бағишланган кеча.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Дастгоҳча. Кинофильм. 12.00 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм, 4-серия. 13.05 — Севимли сароймизда. 18.20 — Советский воин. 19.00 — Телетомошабинларнинг хатларига жавоб. 19.30 — Ахборот, 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ноғнеъмат бунёдкори. 22.20 — Саҳна устаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Кумуш тренер. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20,30 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 21.00— Реклама. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

29 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05— Бешинчи меҳнат чораги рапорт беради. 10.50 — Уфқ. 11.50 — Кинодосҳатчилар клуби. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати. 16.25 — Олисда, дарё ортида. Бадиий фильм. 17.30— Концерт. 18.00 — Ҳунар-техника таълими системасида янги ўқув йилининг бошланишига. 18.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск). 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Совет қўшиқларидан концерт. 19,50— Тинчлик ва меҳнаткашлар манфаати йўлида курашда. 20.20 — Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳалқаро болалар йилига. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Симфоник ва эстрада куйлари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Юзта дўст. Кўғирчоқ фильм. 12.30— Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм, 5-серия. 13.35— Болалар учун. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Ҳунар-техника таълими янги ўқув йилида. 19.15 — Ахборот. 19.30 — М. Турғунбоева номли Давлат ҳизмат кўрсатган «Бахор» рақс ансамблининг концерти. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик экрани. 21.30 — Время. 22.05 — Пахта терш машиналари — мавсумга шай бўлсин. 22.20 — Ф. Шиллер. «Қароқчилар». Спектакль.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болакайлар. Бадиий фильм. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Тошкент телепрограммаси. 20.55— Ҳужжатли фильм.

30 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горчичлар, қаердасиз! 10.35 — Мини-баскетбол бўйича Бутуниттифоқ болалар мусобақалари. 10.50— Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм, 2-серия. 11.55 — Халқ ижоди. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Рус тили. 16.20 — Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати. 16.40 — Мана, ёз ҳам ўтиб кетди. Бадиий фильм. 17.45 — Ешлар адреслари. 18.30 — Янги ўқув йилининг бошланишига. 19.00 — Қувноқ нотолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Шундай одам бўлган эди. 19.45 — Жаҳон бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Финал. 21.30 — Время. 22,00 — Руминия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига. 23.30 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 12.00 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм, 6-серия. 12.55 — Мактаб ўқувчилари учун. 13.25 — Замандас. 18.20 — Ҳалқаро болалар йилига. 18.45 — Ешлик. 19.15 — Янги ўқув йилингиз муборак бўлсин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Марҳамат гуллари» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш вокалистлар республика конкурсининг лауреати Д. Ёқубова концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Классик куй саҳифалари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — Оддий фашизм. Бадиий фильм, 1-серия.

31 АВГУСТ — Ж У М А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Салом мактаб! 10.35 — Ёш спортчининг катта майдони. 11.05 — Звёздочка. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Шахмат мактаби. 16.00 — Москва ва москваликлар. 16.30 — Ҳам дўст, ҳам сеҳргар — кино. 17.30 — Ҳужжатли фильм. 18.30— Олий ўқув юртлари ва техникумларда янги ўқув йилининг бошланишига. 19.00 — Расмларда куёш ёки ой бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳамдўстлик. 20,15 — Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Интервидение фестивали.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 12.10 — Санъат гунчалари. 12.40 — Юмор телевизион театри. 13.40 — Омск музикали комедия театрининг спектакли. 17.30 — Ешлик. 18.00 — СССР халқлари Олий ўзаро Спартакиадасида Узбекистон спорт делегацияси-нинг чиқиши якунларига бағишланган спорт байрами. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Янги ўқув йилининг бошланишига. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Г. Одилова ва Ш. Қурбонов концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Узбекистоннинг мўл пахта ҳосили учун. 22.20 — Сайра, дилкаш дуторим.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Куз кунларидан бирида. Бадиий фильм. 19.25 — Тошкент телепрограммаси. 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — Оддий фашизм. Бадиий фильм, 2-серия. 21.20 — Қардош республикалар эстрадаси.

1 СЕНТЯБРЬ — Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.20 — Ота-оналар. Сизлар учун. 10.50 — Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм, 3-серия. 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Москвичка. 13.40 — Здоровье. 14.25 — В. А. Моцарт. Иккинчи соната. 14.40 — Ўртага — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 14.55 — Камалак. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Қисқа метражли фильмлар. 16.35 — Бизнинг обзор. 17.20 — Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати. 17.50 — Балли, қизлар. 19,15 — Урушларга ким айбдор. 19.45 — Ота-оналар учун концерт. 20.15 — Тайга шамолларида. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — И. Исҳоқов концерти. 10.50 — Болалар учун концерт. 11.20 — Ўша мовий осмонда. Кинофильм. 12.00 — Бр ҳозирлари. 12.30 — Бошсиз чавандоз. Бадиий фильм. 14.05— Ҳужжатли фильм. 14.25— Халқ контроли экрани. 17.30 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати, «Пахтакор» — «Нефтчи» (Боку). Танаффус вақтида ахборот. 19.45 — Болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ў. Нуралиев ва Д. Абдуллаева концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — Чўққини забт этиш. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.20 — Душанба кўрсатувлари.

2 СЕНТЯБРЬ — Я К Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Қувноқ туш ёки кулги ва кўз ёшлари. Бадиий фильм, 1-серия. 12.50 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.00— Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Театр спектакли. 16.40 — Кинодосҳатчилар клуби. 17.40 — Халқаро болалар йилига. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бугун — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 19.30 — Концерт. 20.15 — Тайга шамолларида. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Интервидение фестивали. 23.30 — Академик эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Биз—Наманганданмиз. 11.30 — Бепоён Ватаним менинг. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13,15 — Шахмат мактаби. 13.45 — Зимородок. Бадиий фильм. 15.00 — Бугун—Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 15.15 — Реклама. 16.20 — Салом. Фильм-концерт. 18.45— Бойчечак. 19.15 — Вьетнам халқининг миллий байрами. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Ҳужжатли фильм. 20.00 — Халқаро семинар қатнашчиларининг давра столи атрофида учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 23.05 — Қалбларда баҳор. Фильм-концерт.

КИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РЕКЛАМА ва ЭЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/VIII да Севилья сартароши, 26/VIII да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VIII да Олтин девор, 26/VIII да Келинлар кўзголони (12.00). Инқилоб тонги (19.30).

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

25—26 август соат 19.00 да

XVI АНЪАНАВИЙ МУШТУМ КЕЧАСИ

Программада: «Муштум» журнали мухбирлари Насриддин АФАНДИ, Норилла НАРБОНИЙ, Эшпўлат ТАЖАНГ, ҚАҚАЖОН ва МИТТИВОЙларнинг кўрган-кечирганлари.

Интермедиллар, латифалар, лофлар, бир қайнови ичида гаплар, аския ва қизиқчиликлар. Габрово юморлари. Лирик ва ҳажвий қўшиқ ҳамда рақслар...

Боғимизга марҳабо, кулги шинавандалари!

Футбол бўйича СССР 42-чемпионати 27 август соат 19.30 да «Пахтакор» республика марказий спорт комбинатида «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) олий лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: юқори молекуляр бирикмалар химияси;
Профессор: педагогика;
Доцент: рус тилшунослиги (2 ўрин);
Катта ўқитувчилар: шарқ тиллари факультети ҳузуридаги чет тиллари ўн ойлик курсларига — араб тили — 2 ўрин, форс тили — 1 ўрин;
Ўқитувчилар: шарқ тиллари факультети ҳузуридаги чет тиллари ўн ойлик курсларига: араб тили — 1 ўрин, форс тили — 2 ўрин, иқтисодий география, қуруқлик гидрологияси (0,5 ставка), этика, эстетика ва илмий атеизм;
Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, «Д» отсек, 2-қават, 10-хона, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

10 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар институтда қабул қилинади.
Машғулотлар — 15 сентябрда бошланади.

Машғулотлар кириш имтиҳонлари топшириладиган фанлар бўйича Киров номли ўқув хўжалигида қуйидаги адресда ўтказилади: Тошкент область, Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги.

Курсларга қабул қилинган тингловчилар ётоқхона ва иш билан таъминланадилар.

Бутун ўқув курси учун ўқув хўжалигининг Давлат банки Тошкент область Тўйтела бўлимидаги 38001 ҳисоб-китоб счётига почта орқали 80 сўм миқдорида пул ўтказилади.

Институт адреси: 700183, Тошкент шаҳри.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИНИ

1959 йили тугатганлар билан 8 СЕНТЯБРЬ СОАТ 10.00 ДА институтнинг Маданият саройида УЧРАШУВ УТКАЗАДИ

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи лаборатория мудири, техника фанлари кандидати И. Иброҳимова отаси

Иброҳим ҚОРАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34